БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 113 (1375)
10 ИЮНЬ ЧОРШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси Н. С. Хрушчев ҳузурида бўлди (1-бет).

Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси В. И. Козлов ҳузурида бўлди (1-бет).

Б. Халилов. — Ғанишерчилар Ҳакимжон Рустамов бошлиқ бригада даласида (1-бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **Ғ. Обидов.** — Аҳолига маданий-маиший хизматни янада яхшилаймиз (2-бет).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН: **Техникани янада тараққий эттириш учун кураш — умумхалқ иши** (2-бет).

ТЕАТР: **Ф. Жўраев.** — «Фарғона ҳикояси» (2-бет).

АҲОЛИГА МУЛ-КЎЛ САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК: **А. Набихўжаев.** — Бу ишнинг муҳимлиги унутиб қўйилмасин (3-бет).

И. Назаренко. — Капиталистик мамлакатларда ишчиларнинг аҳволи (3-бет).

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгаши доимий секретариатининг баёноти (4-бет).

АҚШнинг давлат қарзи кўпайиб кетмоқда. Президент Эйзенхауэрнинг АҚШ конгрессига мактуби (4-бет).

Ғанишерчи бригадалар тажрибасини кенг оммалаштирайлик

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Тошкент областининг илгариги шуҳратини тиклаш ва уни илғорлар қаторига етказиб олиш учун, бу йил мамлакатга 460 минг тонна пахта бериш, етти йилликнинг дастлабки йили вазифаларини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан меҳнат қилмоқдалар. Гулистонлик машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов бошлаган ажойиб ватанпарварлик ташаббуси — эллик центнерчилар ҳаракати тобора кенгайиб, оммавий ҳаракатга айланмоқда, колхоз ва совхозларимизда эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилган ғанишерчи бригадалар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Бизнинг мамлакатимизда мўл ҳосил учун астойдил курашаётган, ҳосилни йил сайин ошираётган, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига фан ютуқлари ва илғор прогрессив методларни дадиллик билан жорий қилаётган новаторларнинг тажрибасини ўрганиш ва кенг қўлланиш учун барча шароит яратиб берилган. Меҳнат шон-шараф, мардлик ва қаҳрамонлик ишига айланган социалистик жамиятимизнинг ажойиб фазилати шундаки, бу жамиятда меҳнаткашларнинг ҳар бир янги ижодий иши миллион-миллион кишиларнинг мулкига айланади ҳамда жамиятимиз моддий бойликларини кўпайтиришга, олга қараб қилаётган ҳаракатимизни тезлаштиришга ёрдам беради.

Эллик центнерчилар ҳаракатининг ташаббускори Ғанишер Юнусов бошлаган ҳаракат эндиликда областимиз доирасидан чиқиб, бутун республикамизга тарқалди. Мусобақадош Андижон областининг пахтакорлари тошкентлик ғанишерчиларга ёзган хатларида бундай дедилар:

«Қадрли дўстлар! Тошкент областида бошланиб кетган 50 центнерчилар ҳаракати бизни ҳам қизиқтириб қўйди. Бу ҳаракат ҳамма область пахтакорлари учун ҳам зарур. Шунинг учун 50 центнерчи ғанишерчилар ҳаракатига биз ҳам қўшилишга қарор қилдик. Келинг, бу ҳаракат ҳар икки областдаги пахтакорларнинг умумхалқ ҳаракатига айланиб кетсин. Келинг, ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш ҳар бир бригада аъзоларининг жанговар шиори бўлиб қолсин. Келинг, бу ҳаракат кенгайсин, ривож топсин! Ахир, ҳар бир бригада шу ҳаракатга қўшилиб лоақал ҳосилдорликни 4-5 центнердан оширган тақдирда ҳам тоғ-тоғ хирмонлар пайдо бўлади. Планларимиз тўлиб, юзимиз ёруғ бўлади».

Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ғанишерчи бригадалар сафини янада кенгайтириб, уларнинг бой тажрибаларини оммалаштиришлари, эллик центнерчилар ҳаракатини оммавий ҳаракатга айлантириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари керак. Эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилган ғанишерчи бригадалар оз меҳнат сарф қилиб, кўп ҳосил олиш, пахтанинг таннархини камайтириш, алмисоқдан қолган кетмонни ғўза парваришидан сиқиб чиқариш, комплекс механизацияга кенг йўл бериш, фан ютуқларидан ва илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш учун курашмоқдалар. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига янгилик, прогрессивликни, ғанишерчилар тажрибасини кенг жорий қилиш, эскилик ва турғунликка қарши сабот билан кураш олиб бориш — муҳим вазифадир.

Ғанишерчиларнинг бошқа колхоз ва совхозлардаги бригада ва звено бошлиқлари билан учрашувларини ташкил этиш — қишлоқ хўжалик новаторлари, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг донгдор кишилари қўлланаётган янги усул ва илғор тажрибани кенг ёйишнинг энг яхши формасидир.

Яқинда Ғанишер Юнусов Боёвут районининг колхоз ва совхозларида бўлиб, у ердаги бригада бошлиқлари билан учраши, уларга ўз тажрибаларини ўргатди, ишдаги камчиликларини кўрсатди. Ўз навбатида боёвутлик пахтакорларнинг вакиллари ҳам Гулистон районидаги Ленин номли колхозда — Ғанишер Юнусов бригадасининг пахта далаларида бўлдилар. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган бу учрашувлар пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қаҳрамонона меҳнат қилаётган ғанишерчиларнинг бой тажрибалари билан ўртоқлашишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Верхне-волинск район партия комитети ва район ижроия комитети тажриба алмашиш мақсадида шу райондаги Куйбишев номли колхознинг донгдор бригада бошлиғи, эллик центнерчилар ҳаракатига биринчи бўлиб қўшилган Ҳакимжон Рустамов бригадаси даласида район колхоз ва совхозларидаги барча бригада бошлиқларининг учрашувини ташкил этиб яхши иш қилдилар. Бундай учрашувлар, илғорлар даласини бориб кўриш уларнинг ишлари билан батафсил танишиш, тажрибасини чуқур ўрганиш имкониятини беради, ишга ижодий муносабатда бўлиш ва энг яхши тадбирларни амалга ошириш йўлида қатъий ва дадил ҳаракат қилиш туйғусини кучайтиради.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб астойдил ишга киришган ғанишерчи бригадаларнинг тажрибаларини кенг оммалаштириш, уларнинг сафини янада кенгайтириш ва шу мақсадда ўз тажрибаларини ўртоқлашиш учун бригада бошлиқларининг учрашувларини ташкил этиб туриш — партия, совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Ишни шундай уюштириш керакки, ҳар бир районда юқори ҳосилли илғор колхозларга, ҳар бир колхозда юқори ҳосилли илғор бригадаларга вақтивақти билан экскурсиялар ташкил қилиниб турилсин, бу экскурсияларда улар илғор иш тажрибаларини ўргансинлар ва уни ўз бригада ва звеноларида қўлланиш имкониятига эга бўлсинлар.

Эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилган ғанишерчи бригадаларнинг тажрибаларини кенг оммалаштириб, уларнинг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик, бу йил она-Ватанга камида 460 минг тонна пахта етказиб бериш учун бутун куч ва ғайратимизни сарфлайлик!

Ғанишерчилар Ҳакимжон Рустамов бошлиқ бригада даласида

Бугун Куйбишев номли колхознинг Ҳакимжон ака Рустамов бошлиқ бригадаси дала шийпони одатдан ташқари гавжум. Бу ерга узоқ-яқиндан жуда кўп меҳмонлар — райондаги колхоз ва совхозларнинг бригада бошлиқлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари келганлар.

Тўпланганлар орасида ғанишерчилар ҳаракатига қўшилган Максим Горький номли колхознинг Ниёзхон Қодиров, Тўхтамиш Бегалиев, «Социализм» совхозининг Қудрат Ҳожиев, «Қизил октябрь» колхозининг Тошпўлат Акбаров, Карл Маркс номли колхознинг Жаҳон Бадалов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўшим Акилбеков, «Победа» колхозининг Эргаш Кенжаев, «Гулистон» совхозининг Ғанижон Аҳмедов, Свердлов номли колхознинг Каримберди Мирзаев сингари бригада бошлиқлари ва бошқалар бор.

Райондаги ғанишерчи бригада бошлиқлари бу ерга Ҳакимжон Рустамов бошлиқ бригада аъзоларининг ғўзаларини кўриш, унинг ғўза парвариши давридаги иш тажрибаларини ўрганиш, бундан буён қандай иш олиб бориш ҳақида маслаҳатлашиб олиш мақсадида йиғилганлар. Бу мажлисга ҳам, тантанали йиғилишга ҳам ўхшамайди.

— Ҳакимжон ака ишлар қалай, бундай бизга гапириб беринг, ишларингиз билан танишгани келдик, — деди «Қизил октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Тошпўлат Акбаров.

— Ранг кўр ҳол сўр дейдилар. Ғўзанинг ранги-рўйига қараган деҳқон ишимизнинг қандай эканлигини билиб олади. Ишонмасанглар қани бир ғўзамизни оралаб кўрайлик.

Бригада бошлиқларининг ҳаммаси шинамгина дала шийпонининг шимол томонидаги картадаги ғўзаларни кўздан кечира бошладилар. Ғўза қатор ораларида бир дона ҳам гиёх йўқ.

— Ғўзангизнинг текис кўкариши бизга жуда ёқди, сиз ерни баҳорда ҳайдаганмисиз ёки кузда, — сўради бригада бошлиқларидан бири.

— Кузда, роса 35 сантиметр чуқурликда ҳайдаганмиз.

— Ҳозиргача шу ғўзага қанчадан ўғит бердингиз?

— Ҳайдаш олдидан солинган фосфор ва гўнгни ҳисобга олмаганда, ғўза парвариши даврида ҳар гектар ерга 1200 килограммдан ўғит солинди. Ғўзамизнинг ҳозир шу даражага етишининг яна бир ҳикмати бор. Баъзи ўртоқлар об-ҳаводан қўрқиб яганани чала қиладилар. Ғўзани тезроқ ривожлантириб, тезроқ шонага киритаман деган деҳқон яганани сира кечиктирмайди. Шу ғўзалар икки қулоқ бўлган маҳалида ягана килинди. Шунинг учун ёшлигиданоқ эркин ривожланяпти. 92 гектар ғўзамизнинг 80 гектарида ҳозир 10—11 тадан шох, 8—9 тадан шона бор. Баъзи ғўзалардаги шона тугунчаларининг учи оқара бошлади.

— Чамангизда шу ғўзалар қачон гуллайди?

—15 июнда келиб гул кўраверасиз, — деди Ҳакимжон ака.

— Шу ғўзангиз неча марта суғорилди?

— Ҳали суғорганимиз йўқ. Ғанишер ғўзанинг қизил гулини кўрмагунча сув қўймайман деган эканман, мен ғўзада икки-учтадан кўсак пайдо бўлмагунча сув қўймайман деб турибман. Чунки бизнинг ерларимиз ҳам зиқкан. Кўп сув қўйиш еримизнинг межозига тўғри келмайди. Ҳозир сув қўйсак ғўзамиз ғовлаб кетади. Ундан кейин бу йил 80 гектар ердаги пахтани машина билан термоқчимиз.

Бригада бошлиқлари кетмон чопиги ҳақида ўзаро узоқ суҳбатлашдилар.

— Мен бошлиқ бригадада 80 гектар ер ва 12 одам бор. Агар кетмонга суяниб иш қиладиган бўлсак узоққа боролмас эдик. Ўзим тракторчиман. Ҳоҳлаганимча икки томонга қараб яхшилаб культивация қилаяпман. Аъзоларимиз фақат теша билан ғўза тагида қолган ўтларни ўлдириб кетишаяпти, — деди Свердлов номли колхознинг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи Каримберди Мирзаев.

— Тўғри айтасиз ука, илғарилари нуқул кетмоннинг шамоли тегмаса мўл ҳосил олиб бўлмайди деб юрар эдик. Бу бекор гап экан. Мана қаранг, бизнинг шу ерларимизга кетмон тегмаган. Ҳозир бизнинг кетмонимиз трактор. Тракторчимиз Турсунали Эргашев бизнинг жонимизга оро кираяпти. Хотин-қизларимизнинг елкаларидаги оғир кетмонларни улоқтириб ташладик. Турсуналининг бир ўзи ҳозиргача 300 гектар ердаги ғўзамизни культивация қилиб берди. Унинг қандай культивация қилганини кўриб турибсизлар. Бир нафас шу ерда турсаларинг тиззаларинггача ботиб кетасизлар, — деди Ҳакимжон ака кулиб.

— Бизнинг ғўзаларимиз сизникидаги текис эмас, бироз ердаги ғўзамиз яхши ривожланмаган. Энди шунга зўр беришга тўғри келади, — деди Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи Жаҳон Бадалов.

— Тўғри айтасиз, агар деҳқонман десангиз ҳамма ерингизга баравар қаранг. Деҳқон ҳеч маҳал бир ерини гуллатиб, иккинчи ерини қақшатиб қўймайди, — деди Ҳакимжон ака.

Бригада бошлиқлари ўзаро суҳбатлашиб фикр элишар, маслаҳатлашар эдилар.

— Энди мен сизларга айтсам, ҳамма гап ҳозиргача қилган ишимизда эмас, бундан буён қиладиган ишимизда. Уста деҳқон бор ҳунарини бундан буёқ кўрсатиши керак,— деди Ҳакимжон ака ўз касбдошларига қараб, — Ғўзанинг кўкига қараб кеккайиб бўлмайди. Уни ҳосилга киритиш, ҳосилини сақлаб қолиш, пахтани барвақт пишириш сиз билан бизга боғлиқ. Айниқса ғўзани оби-тобига келтириб, ер шароитига қараб суғорилмаса ҳозир яхши деган ғўзамиз ёмон бўлиб қолади. Шу кунларда бригада бошлиқларининг биринчи ёрдамчиси сувчи бўлиши керак. Уларнинг сал бепарволиги шунча қилган ишларимизни чиппакка чиқариб қўйиши мумкин. Менинг маслаҳатим шуки, ҳар ким олган мажбуриятини бажараман деса сув билан бирга шарват оқизсин. Иккинчи маслаҳатим шуки ўртоқлар, ҳа демай чеканка қилиш вақти келади. Мана шу чеканкани вақтида қўлдан бой бермай сифатли ўтказган деҳқон ютади. Ахир ўртоқлар бизнинг мақсадимиз ғўзапоя эмас, пахта олиш-ку!

Бевосита далада ўтказилган бу суҳбат ва учрашув жуда яхши ўтди. Верхне-волинск район партия комитети ва район ижроия комитети бригада бошлиқларининг бундай учрашувларини ташкил этиб жуда яхши иш қилганлар. Тажриба алмашишга қаратилган бундай учрашувлар бошқа районларда ҳам ўтказилса катта фойда келтириши мумкин. Бу яхши ташаббусни қўллаб-қувватлаш керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.
Верхне-волинск райони.

Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси Н. С. Хрушчев ҳузурида бўлди

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқига дўстлик визити билан келган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Вальтер Ульбрихт, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Отто Гротеволь, шунингдек Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари 8 июнда Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳузурида бўлдилар.

Визит вақтида Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси аъзолари билан Н. С. Хрушчев ўртасида суҳбат бўлди. Бу суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда совет томонидан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси М. Г. Первухин, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари И. Т. Виноградов, СССР Ташқи ишлар министрлиги учинчи Европа бўлими мудири вазифасини ижро этувчи Н. М. Луньков қатнашдилар. (ТАСС).

Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси В. И. Козлов ҳузурида бўлди

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Вальтер Ульбрихт ва Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Отто Гротеволь бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари 8 июнда Кремлда СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. И. Козлов ҳузурига келдилар.

Визит вақтида суҳбат бўлди. Бу суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. В. И. Козлов СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов номидан делегация аъзоларига салом топширди, шунингдек Германия Демократик Республикасининг президенти ўртоқ Вильгельм Пикка энг яхши истаклар изҳор қилди.

Делегация аъзолари ҳам Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик номидан ўртоқ К. Е. Ворошиловга салом топширишни сўрадилар.

Суҳбатда СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси М. Г. Первухин, СССР Ташқи ишлар министрлиги учинчи Европа бўлими мудири вазифасини ижро этувчи Н. М. Луньков ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Пахта селекцияси ва уруғчилиги юзасидан Бутуниттифоқ кенгаши

9 июнда Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида пахта селекцияси ва уруғчилиги юзасидан Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Бу кенгашни СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси чақирди. Кенгашда олимлар, пахта селекцияси ва уруғчилиги соҳасида иш олиб борувчи турли муассасаларнинг ходимлари, қардош республикаларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Президиумда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. Раҳматов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Р. Е. Мельников, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғуломов, Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти М. А. Ольшанский, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг старший агрономи А. С. Александров, СССР Госплани бош идорасининг бошлиғи С. Д. Родичев, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик министри Ж. Ҳоназаров, Тожикистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Абдуллаев, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бош агрономи Б. П. Фирсов, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти К. З. Зокиров, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг вице-президенти А. Д. Дадабоев, Туркманистон қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари А. С. Сариев, Киргизистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Н. И. Костюк, Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг корреспондент-аъзоси С. С. Канаш, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Г. З. Биясшев, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. П. Красичков, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси И. К. Максименко, СоюзНИХИ директори Н. М. Маннонов, Озарбайжон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг директори С. А. Мустафоев, Озарбайжон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг бош илмий секретари А. К. Оружев ва бошқалар ўтирибдилар.

Ташкилот комитетининг топшириғига мувофиқ, кенгашни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц очди.

Кун тартибидаги биринчи масала — «Пахта селекцияси ва уруғчилигининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида» доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси М. В. Муҳаммаджоновга сўз берилди.

Кенгаш бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ)

Механизация ёрдами билан

Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз аъзолари асосий майдонлардаги ғўзаларни квадрат-уялаб парвариш қилмоқдалар. Чунки улар бир неча йилдан буён бу усулнинг яхши натижа беришини тажрибада синаб келмоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Умарали Муҳамедов бошчилик қилаётган бригадада ғўзалар бир текис, соғлом ривожланиб, ёпасига шоналаган.

— Биз механизация ёрдами билан кам меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди бригадир. — Гулистонлик донгдор бригада бошлиғи Ғанишер Юнусов бошлаган ташаббусдан илҳомланиб, 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштирмоқчимиз. Яъни она-Ватанимизга 500 тонна оқ олтин етказиб бериш учун курашмоқдамиз.

Бригаданинг ғўзаларини картамакарта, эгатма-эгат оралаб кўздан кечирган киши бригада бошлиғининг бу ғўзалари ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилади. Ўз вақтида озиқлантирилган, қондириб суғорилаётган ва вақтида сифатли культивация қилинаётган ғўзалар гуркираб ўсмоқда.

Бригаданинг миришкор сувчиларидан К. Мамиров, К. Саксонбоев ўртоқлар ўзларига топширилган вазифани сидқидиллик билан адо этиб, мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Айниқса, моҳир механизаторлар И. Аҳроров, Ш. Курсаитов ўртоқларнинг ҳалол меҳнатлари тақдирга сазовор. Улар қондириб суғорилган ғўзаларни ўз вақтида пешма-пеш сифатли культивация қилиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётирлар.

Ф. ФОЗИЛОВ,
А. ЖАЛОЛОВ.

ҒАНИШЕРЧИ БРИГАДИРЛАР УЧРАШДИЛАР

Эллик центнерчилар ҳаракатининг ташаббускори, Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов (суратда чапдан тўртинчи) Боёвут районида бўлганида «Коммунизм» ва Карл Маркс номли колхозларнинг трактор-далачилик бригадалари бошлиқлари билан учрашди. Донгдор пахтакор бу ерда ғўза парвариши қандай ташкил қилинганлиги билан танишди. Мусобақадошлари қўлга киритган дастлабки ютуқлардан хурсанд бўлиб, йўл қўйилаётган баъзи камчиликларни тугатиш тўғрисида ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Унг томондаги суратда эса: Верхне-волинск районидаги колхоз ва совхозларнинг ғанишерчилар ҳаракатига қўшилган бригада бошлиқлари. Улар яқинда ўз районларидаги Куйбишев номли колхознинг Ҳакимжон Рустамов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида бўлдилар. Ўзаро социалистик мусобақа шартларининг бу бригадада қандай бажарилаётганлиги билан танишдилар. Қўшнилар донгдор пахтакор бошлиқ бригадада ёпасига шоналаган ғўзалар гулдаш арафасида турганлигини кўриб мамнун бўлдилар. Ўртоқ Ҳакимжон Рустамов (чапдан иккинчи) ғанишерчи касбдошларига ўз тажрибаларини сўзлаб берди.

В. Салов фотоси.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Аҳолига маданий-маиший хизматни янада яхшилаймиз

Партиямиз ва ҳукуматимиз совет кишиларига ғамхўрликни янада кучайтириб «Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарорда аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг ишларини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган бешинчи чақириқ иккинчи сессиясида ҳам бу масала кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарор ва белгиланган тадбирлар маҳаллий партия ва совет ташкилотлари олдига катта вазифалар қўяди. Бу вазифалар пойафзал, мебель ва уй-рўзғор буюмларини ремонт қилиб берадиган юқори техникали корхона ва мастерскойларни тобора кўпайтириш, умумий овқатланиш корхоналарини янада кенгайтириш ва ҳоказолардан иборатдир.

Мирзачўл водисида барпо этилган Янгиер шаҳри меҳнаткашларига — қўриқ ва бўз ерларни обод қилиш учун курашаётган азамат қурувчилар ва механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг ишларини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган бешинчи чақириқ иккинчи сессиясида ҳам бу масала кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарор ва белгиланган тадбирлар маҳаллий партия ва совет ташкилотлари олдига катта вазифалар қўяди. Бу вазифалар пойафзал, мебель ва уй-рўзғор буюмларини ремонт қилиб берадиган юқори техникали корхона ва мастерскойларни тобора кўпайтириш, умумий овқатланиш корхоналарини янада кенгайтириш ва ҳоказолардан иборатдир.

Мирзачўл водисида барпо этилган Янгиер шаҳри меҳнаткашларига — қўриқ ва бўз ерларни обод қилиш учун курашаётган азамат қурувчилар ва механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш шаҳар партия ва совет ташкилотлари, айниқса, маиший хизмат кўрсатадиган корхона ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Етти йилликнинг ўтган ойлари ичида Янгиер шаҳрида бир неча маиший хизмат кўрсатадиган янги тармоқлар ташкил этилди. Масалан, ошхона, чойхона, буфет ва совуқ ичимликлар билан савдо қиладиган будкалар, пойафзал-ремонт мастерскойлари, сартарошхоналар бунёдга келтирилди.

Меҳнаткашлар ва ташкилотларнинг истак-эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, райкомнинг илгариги биноси болалар боғчасига ва зарарли ҳашаротга қарши кураш ташкилоти биноси эса болалар яслисига берилди. Шаҳар ижроия комитети аппаратининг ихчамлаштирилганлиги туфайли ЦСУ биноси болалар кутубхонасига, суд ва прокуратура биноси қайтадан жиҳозланиб, болалар кийими тикиш мастерскойига, узел партия ташкилоти ва «Райпрофсож» бинолари қайта ремонт қилиниб, 70 ўринлик ошхонага айлантирилди. Ленин номли артель правлениеси банд қилиб келган бино ўрнида 5 уста хизмат қиладиган сартарошхона очилди.

Шаҳар касалхонаси яна 30 ўринга кенгайтирилди ҳамда бу касалхонанинг ходимлари янги уй-жой билан таъминланди. Шунингдек 120 ўринлик янги чойхона, миллий овқатлар пиширилади ган ошхона ва буфетлар ишга туширилди.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун истироҳат боғи кенгайтирилди ҳамда марказий кўчаларнинг чорраҳа жойларида шинам бульварлар барпо қилинди.

Тўрт миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб қурилаётган ва барча қулайликларга эга бўлган темирйўлчилар саройи, бундан ташқари етти йиллик музика мактаби, хўжалик магазини яқин кунлар ичида ишга туширилади. 1959 — 1960 йилларда Янгиерда аҳолининг уй-рўзғор ва маданий-маиший эҳтиёжлари учун керакли буюмларни ижарага берувчи пункт ташкил қилинади.

Лекин шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, шаҳримиз меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси аҳолининг ўсиб бораётган талабларидан анча орқада қолмоқда.

Шаҳарда ҳам, совхоз қишлоқларида ҳам уй-жой қурилиши кенг авж олдирилганлигига қарамай, меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Кўпгина қурилиш ташкилотлари, айниқса, шаҳар коммунал хўжалиги, қурилиш-монтаж бўлимлари, темир йўл қурилиш участкаси ва бошқа ташкилотлар уй-жой қурилиши билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар. Мавжуд уй-жой фондидан етарли фойдаланилмаётир. Давлат томонидан берилаётган маблағлар ўринсиз сарфланмоқда. Кўпчилик шаҳар кўчаларига шағал ётқизилмаганлиги, меҳнаткашларнинг сувга бўлган эҳтиёжлари ҳамон қондирилмаётганлиги ачинарли бир ҳолдир.

Савдо ташкилотларида ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга хизмат кўрсатиш маданияти паст. Кийимлар тикиб бериш, пойафзалларни ремонт қилиш, тайёр қурилиш деталлари чиқариш қониқарсиз ташкил этилган. Ленин номли артелда (раиси Ўртоқ Шодиев) меҳнаткашлар томонидан буюрилган кийим-кечаклар, ремонт учун берилган уй-рўзғор буюмлари, электр асбоблари ўз вақтида тайёрлаб берилмайди. Шунингдек шаҳримизнинг кўпгина қишлоқларида аҳолига хизмат кўрсатадиган сартарошхоналар, ҳаммомлар, пойафзал-ремонт мастерскойлари, кийим-кечак тикадиган ва бичадиган пунктлар ташкил қилинмаган.

Область савдо ташкилотлари ва уларнинг маҳаллий органлари аҳолининг маданий молларга бўлган талабларини яхши ўрганмаётирлар ва савдо-сотиқ ишларини шаҳарнинг узоқ участкаларида ҳамда қишлоқларда қониқарли ташкил этмаётирлар. Шаҳар меҳнаткашларига медицина ва маданий хизмат кўрсатиш ҳам ҳозирги талаблар даражасида эмас. Юқорида санаб ўтилган камчиликларни қисқа вақт ичида бартараф қилишимиз лозим.

Янгиер шаҳар Совети партиямиз шонли XXI съезди қарорларига амал қилиб, ўзининг бутун фаолиятини аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирларини муваффақиятли равишда амалга оширишга қаратмоқда.

Ғ. ОБИДОВ.
меҳнаткашлар депутатлари Янгиер шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Техникани янада тараққий эттириш учун кураш — умумхалқ иши



Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг 3-цехида мактаб ёшигача бўлган болалар пойафзалини иссиқ ҳолда вулканизация қиладиган поток линияси ўрнатилди. Бу янгиликнинг жорий қилиниши меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини тагин ҳам камайтиришга олиб келмоқда. Суратда: поток линиясининг умумий кўриниши. Олдинги қаторда прессчи М. Алимов иш устида.

В. Салов фотоси.

Рационализаторлик таклифларини кенг жорий қилайлик

Оққўрғон РТСида 25 йилдан буён механик, ҳозирги кунда эса давлат техника назорати бўйича механик вазифасида ишлаб келаётган Маҳмуд Нагумановни районда ҳамма танийди. Маҳмуд олий маълумотга ҳам, ўрта маълумотга ҳам эга эмас. Ў фақат бошланғич мактабнигина туғаллаган. Лекин шундай бўлса ҳам доимо янгилик изловчи, тиниб-тинчимаган бу механик ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида қўлланиб келинаётган техникани беш бармоғидек билиб олган. Шунинг учун ҳам у кўпгина янгиликлар яратиб келмоқда. Ўртоқ Нагуманов ўтган йиллар мобайнида қатор таклифлар киритди. Жумладан, пахта териш машинаси шпинделларини ўзгартириб, ишчи шароитига мослаштирди.

У, 1958 йилда РТС бош инженери Ўртоқ Чопенко билан ҳамкорликда пахта сеялкасини бирмунча ўзгартириб экадиган аппаратга қўшимча дискалар ўрнатиш билан уни жўхори экадиган сеялкага айлантирди. Бу янгилик область рационализаторлик бюроси томонидан тасдиқланди ҳамда Маҳмуд Нагумановга авторлик гувоҳномаси берилди.

Қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг тилини яхши билувчи Маҳмуд шу йилнинг бошларида ДТ-24 тракторларида қўлланиладиган осма грейдер тайёрлади. Бу грейдернинг жорий қилиниши пахта далаларини экиш олдидан планлаштиришда қўл меҳнатини қисқартиш имконини беради. Ана шу техника янгилиги бу йил биринчи мартаба «Октябрь 40 йиллиги» колхози далаларида синаб кўрилди ва тамомила ўзини оқлади.

Бироқ РТС дирекцияси, рационализаторлик бюроси, шунингдек область қишлоқ хўжалик бошқармаси ана шу қимматли таклифга етарли аҳамият бермадилар. Натижада бу таклиф фақатгина битта колхозда жорий қилиниб, бошқа ерларда қўлланилмай қолиб кетди.

Яқинда Ўртоқ Нагуманов ўгитлагичга қўшимча панжалар ўрнатди. Бу панжаларнинг ўрнатилиши наконечниклар тайёрлаш учун сарфланадиган металлни тежаб қолишга имкон беради. Чунки панжалар ўрнатилгач, наконечникларга эҳтиёж қолмайди. **Бу янгилиннинг муҳим аҳамияти шундаки, ана шундай панжалар ўрнатилган трактор бир йўла 2-4 хил ишни — культивация қилиш, ўгитлаш, яганалаш ва бегона ўтларни юлиш ишларини бажара олади. Бу эса ўз навбатида тракторларнинг иш унумини 50 процентгача ошириш, шу йўл билан давлатнинг миллион-миллион сўмлик маблағини тежаб қолиш имконини беради.**

Ўртоқ Нагумановнинг таклифи РТС ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари томонидан, шунингдек, райондаги механизаторлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. «Октябрь 40 йиллиги», Ленин номли, Жданов номли колхозлар РТС устахоналарига Нагуманов таклифи асосида тайёрланаётган янги ишчи органларига шошилинч заказлар бердилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ана шундай диққатга сазовор техника янгилиги ҳозирча Оққўрғон РТС раҳбарларининг айби билан шу район территориясидан нарига ўта олганича йўқ. Ўзининг янгиликлари ва ихтиролари билан умумий ишимизга озми-кўпми фойда келтириш учун тинмай меҳнат қилаётган бу новаторнинг ишлаши учун РТС маъмурияти (директори Ўртоқ В. Рогочев), партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Чопенко) ҳамда рационализаторлик бюросининг айби билан етарли шароит яратиб берилмаган.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва РТСлар ҳузуридаги рационализаторлик бюролари олдида турган асосий вазифа жойлардан тақдим этилаётган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини тезлик билан кўриб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишдан иборатдир. Чунки бу таклифлар кўплаб металл, ёнилғи, ишчи кучи ҳамда миллион-миллион сўмлик давлат маблағларини тежаб қолиш имконини беради.

Партиямиз Марказий Комитетининг Пленуми яқинлашиб келаётган шу қизғин кунларда илғор механик зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. У минерал ўгитларни майдалайдиган ва элайдиган янги машина яратиш соҳасида олиб бораётган ишларини шу яқин кунлар ичида тугаллаш учун ҳаракат қилмоқда.

А. НАРИМОНОВ.
Ўзбекистон КП Оққўрғон район комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

☆ ☆ ☆

Юксалиш йўлида

Кейинги йилларда йирик саноат корхоналарини механизациялаш ва автоматлаштириш билан бир қаторда маҳаллий саноат корхоналарига ҳам катта аҳамият берила бошланди. Буни Киров саноат комбинати мисолида яққол кўриш мумкин.

Комбинат бундан 5 — 6 йил муқаддам қарийб барча иш процессларини қўл меҳнатига асосланган, кичик-кичик цехлардан ташкил топган бўлиб, йилига атиги 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарар эди.

Ўтган қисқа муддат ичида қатор йирик цех ва корпуслар қурилиб, ишга туширилди. Кўпгина ишлар машина ва механизмлар ёрдамида бажариладиган бўлиб қолди. Натижада комбинат йилига 30 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналаридан бирига айланди. Шу муддат ичида 120 та энг янги машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар механизациялаштирилди. Натижада меҳнат унумдорлиги 27 процент ошди, маҳсулот таннархи эса 21 процентга камайди.

Бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўтган қисқа муддат ичида халқ истеъмол буюмларининг ўнлаб янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Маълумки, ярим кресло типидаги стуллар шу чоққача республикамизга асосан Рига ва Майкоп шаҳарларидан келтирилар эди. Меҳнаткашларга ҳам нафис, ҳам арзон буюмлар тайёрлаб бериш ва уларнинг уй жиҳозларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш учун курашаётган комбинат коллективи Ўзбекистонда биринчи бўлиб, ярим кресло типидаги стуллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Улар йил охиригача 10 минг дона ана шундай стуллар тайёрлаб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шуниси қувончлики, комбинат цехларида тайёрланаётган бу стулларнинг сифати бошқа шаҳарлардан келтирилаётган стуллар сифатидан қолишмайди, нархи эса арзон.

Етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашаётган бу аҳил ва иноқ коллектив ўтган беш ой мобайнида трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни тўла ўзлаштирди. Ҳозир эса капрон буюмлар тайёрлашни ўзлаштириш устида иш олиб бормоқда. Улар бу йил 4 миллион сўмлик капрон-трикотаж буюмлари ва 1,5 миллион сўмлик техника эҳтиёжларига ишлатиладиган трикотаж ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар.

Бундан ташқари 3-кварталда пахтани қайта ишлайдиган янги цех ишга туширилиб, йил охиригача 600 тонна сифатли пахта толаси етказиб беради. 4-кварталда эса, жунли трикотаж кофталар, рўмоллар, шарф ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган корпус фойдаланишга топширилади. Бундай буюмлар саноат комбинати системасида биринчи марта ўзлаштирилаётир.

Биринчи квартал планини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажариб, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кучма қизил байроғини олишга муяссар бўлган комбинат коллективи беш ойлик план топшириқларини ҳам муддатидан олдин бажарди.

Барча ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва шу йўл билан меҳнат унумдорлигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулот таннархини тагин ҳам камайтириш учун курашаётган комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг Пленумини меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиш билан кутиб олиш мақсадида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Поёни йўқ кенг майдонда қурилиш ишлари авжига чиққан. Қудратли экскаваторларнинг ҳайқириғи ҳаммаёқни тутиб ётибди. Улар ердан қазиб чиқараётган тупроқ ва шағалларни кетма-кет келиб турган «МАЗ», «ЯЗ» маркали автомашиналарга пешма-неш ортиб турмоқда.

КПСС Марказий Комитети навбатдаги Пленумининг чақирилиши ҳақидаги хушхабар ва унда муҳокама қилинадиган масалалар Туябўғиз сув омбори қурилишини олиб бораётган катта коллективнинг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Бинокорлар қурилиш ишлари суръатини янада тезлаштириб юбордилар. Улар Пленум очиладиган кунни муносиб нишонлаш учун курашиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Сув омборининг чап қирғоғидаги деярлик бир ярим километр узунликда бўлган тўғон, колхозларга сув тақсимловчи иншоот ва бошқа бир неча объектларни қуриш ишлари тугалланди.

Ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаётган ўнлаб механизаторлар смена топшириқларини муntазам равишда ошириб бажараётирлар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўртоқ В. А. Мальцев бошчилигидаги экскаваторчилар, З. Ҳамроев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси номини олган шоферлар бригадаси аъзолари, механизаторлардан Сайфуллин, Билолов, Бегиев Ўртоқлар шулар жумласиндандир.

— Коллективимиз белгиланган топшириқларни муntазам ошириб бажаришга эришаётир, — дейди қурилиш бошлиғининг ўринбосари Ўртоқ Ф. Акбаров. — Бунга бинокорлик механизмларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш натижасида эришаётирмиз.

Бинокорларимиз КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очиладиган кунни муносиб кутиб олиш учун ўз зиммасига янги мажбурият олди. Биз сув омбори қурилишини аввал белгиланганидек 1960 йилнинг охирида эмас, балки ўрталарида фойдаланишга топширишга аҳд қилдик. Шу кунларда аҳдимизнинг устидан чиқиш учун барча касбдаги қурувчилар бир ёқадан бош чиқариб ишламоқдалар.

А. ҒОЗИХОНОВ.

ТЕАТР

„Фарғона ҳикояси“

Ёзувчи Ҳамид Ғулом китобхонларга талантли шоир ва прозаик сифатида танилган эди. Яқинда у «Фарғона ҳикояси» комедиясини ёзиб, ижодий фаолиятининг янги томонини, драматургия жанрида ҳам истеъдодли қаламкаш эканлигини кўрсатди. Унинг Муқимий номли республика музикали драма ва комедия театрида саҳналаштирилган бу музикали комедиясида шу кунларимиз учун актуал ва муҳим бўлган масалалар кўтарилган.

Комедияда Фарғона водисидаги бир колхоз ҳаёти акс эттирилиб, унда совет кишиларининг турмушда, жамиятда тутган ўринлари, уларнинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатлари, дунёқарашлари ва маънавий гўзалликлари ҳаққоний очиб берилган. Шунингдек асарда пахта етиштиришда эски меҳнат усулларини қўллаб келаётган, ҳаётимиздан ажралиб қолган айрим шахслар, улар характеридаги салбий томонлар, турмушимизда учраб турадиган ўтмиш урф-одатлари қаттиқ кулги остига олинади.

Ҳ. Ғулом ўзининг бу асарида, коллектив — катта куч, у ҳар қандай тўсиқликларни емиришга қодир эканлигини бўрттириб гавдалантира олган. Бу, дастлаб, комедиядаги янги характерлар, ўткир ва ифодали комик ҳолатлар, мазмундор эпизод ва бир бутун кўринишларда кўзга ташланади.

Комедиядаги колхозчи аёл Карима, дурадгор Дилдор тоға, колхоз раиси Комилжон, инженер-қурувчи Азиз, агроном Умри образларида илғор совет кишиларининг замондошларимизнинг жонли қиёфасини кўрамиз, уларнинг ажойиб ишларига, сўзларига, интилишларига ишонамиз. Автор бу персонажларнинг ўзига хос характерини атрофлича очиб берган. Асарда, айниқса, сабзавотчилик бригадири Кичик Хўжа, ҳосилот советининг раиси Муродхонов образлари тўлақонли бўлиб чиққан.

Афсуски, шундай яхши комедияда айрим образлар, жумладан колхозчи қиз Баҳор, ишт тайёрловчилар бригадири Мақсуд ва бошқа персонажлар етук бадиий образ даражасига кўтарилмаган. Баҳор образига қандай вазифа юклатилганлиги маълум эмас. Биз, унинг Мақсудни севадиган оддий колхозчи қиз эканлигини биламиз, холос. Баҳор асардаги воқеаларни ривожлантиришда, конфликтни ечишда иштирок этаётганлиги мутлақо кўринмайди. Образнинг функцияси аниқланмаган, у воқеалардан четда қолган.

Автор Мақсуд образи орқали ёшларимизни тарбиялаб, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш масаласини кўтаришни мўлжаллаган. Лекин, бу муҳим масала тўлалигича ҳал қилинмаган. Чунки, Мақсуд образи аниқ бир характерга эга эмас. Комедияда Мақсуд бир томондан ғайратли, хушчақчақ, меҳнатни севадиган, улфат йигит бўлиб кўринса, иккинчи томондан у қатъиятсиз, қўрқоқ, ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган, дунёқараши тор киши бўлиб гавдаланади. Ёлғиз ўғил бўлганлиги учун, Муродхонов уни эркалатади, бошқалар сингари тер тўкиб ишлашига, қўқув юртида таълим олишига қаршилик кўрсатади, унга хотиниликка Умрини олиб беришга уринади. Отасининг бундай муносабати Мақсудга сира ёқмайди. У мустақил ҳаёт кечиришни, тенгқурлари сингари фидокорона меҳнат қилишни, севгани Баҳор билан бирга турмуш қуришни истайди ва орзусига етади. Лекин Мақсуд ўз мақсадига ҳийлаийранг йўли билан эришади. Албатта, бу нотўғри йўл. Мақсуд, аксинча, майнавозчилик, ҳийлагарлик қилмасдан, ўз мақсадларини амалга ошириш учун очиқдан-очиқ курашиши керак, яъни отасининг унга бераётган нотўғри тарбиясини, унинг онгидаги ўтмиш сарқитларини дадил фош қилиши лозим эди. Агар Мақсуд образи актив элементга айлантирилса, ёшларни тарбиялаш масаласи тўғри ва тўла ҳал қилинган бўларди, образнинг ўзи ҳам конкретлашарди.

Комедияда одатдагидек салбий ва ижобий образлар ўртасидаги кучли тўқнашувлар, ўткир қарама-қаршиликлар йўқ. Бу, демак, комедия конфликтсиз асар экан, деган гап эмас, албатта. Автор асардаги конфликтни колхоз илғорлари билан ҳаётдан ажралиб қолган, эскилик сарқитларидан ҳали ҳам қутилолмаган айрим совет кишилари ўртасидаги тўқнашувлар асосида кўрсатаолган. Лекин, бу конфликт яхлит бўлиб чиқмаган, изчил ривожлантирилмаган, айрим ҳолларда, айниқса, Комилжон, Умри билан Муродхонов ўртасидаги тўқнашувлар силлиқлаштирилган. Шунинг учун ҳам, Комилжон ва Умрининг танқидлари, пассив муносабатлари Муродхоновга сира таъсир қилмайди ва Муродхоновдек ўжар, маҳтанчоқ, мағрурланган, механизацияни назарписанд қилмай, кетмонга ёпишиб олган кишига таъсир қилиши, унинг онгида жиддий бурилиш ясаши жуда қийин. Комедияда тўқнашувлар кучайтирилса Муродхоновнинг (III пардаларнинг охирида) ўз хатоларига тушуниб етишлари янада табиийроқ бўлиб чиқарди, воқеалар ва характерлар ҳам анча ривожланган бўларди.

Композиторлар Т. Жалилов ва Б. Зейдман комедиянинг руҳига мос кувноқ, шўх музика ёзганлар. Кўпчилик музикали номерлар Кичик Хўжа, Муродхонов, Умри, Азиз каби образларнинг характерини очиб беришга хизмат қилган. Ундаги оригинал куйлар, дуэт ва ариялар, хор ҳамда рақслар асар мазмуни сингдирилган. Умуман музика лирикага, юморга бой. Хусусан, II пардадаги лирик моментлар, Кичик Хўжа ва Муродхоновнинг комик қўшиқлари, Мақсуд арияси, охирги пардадаги вальсни завқланиб тинглайди, киши. Шу билан бирга, музикада ортиқча, воқеаларнинг ривожига бир мунча халақит берадиган (II пардада Умри билан Азиз дуэти) жойлар ҳам учрайди.

Режиссер Р. Ҳамроев комедияни саҳналаштиришда бир қолибдаги приёмлардан воз кечиб, оригиналликка интилган, унинг ғоявий мазмунини, образларнинг характерини чуқурлаштиришга ҳаракат қилган. Воқеалар мазмунли ва қизиқарли бўлиб чиқиши учун ифодали мизансценалар топган, айрим ҳолларда (масалан, I—II пардаларда) асарни янада жонлантириш мақсадида, воқеаларни икки майдончага олиб чиққан. Оммавий саҳналар ҳам қизиқарли қилинган. Хусусан, режиссёр ижрочиларидан образларни талқин қилишда, залда атайин кулги тўғдириш учун бачкана хатти-ҳаракатлар қилмасдан, ҳар бир образга, ҳар бир комик ситуацияга жиддий муносабатда бўлишни, образларни каррикатурага айлантирмасдан, улар қиёфасида жонли замондошларимизни акс эттиришни талаб қилганлиги сезилиб турибди.

Саҳнадаги қатор эпизодлар, айниқса, Кичик Хўжа билан Муродхоновнинг спектаклдаги деярли ҳамма саҳналари, Дилдор тоға билан Кичик Хўжанинг учрашувлари ва бошқалар моҳирона ишланган. Спектаклнинг финали ҳам оригинал ҳал қилинган. Спектакль Кичик Хўжанинг Умри билан Азизнинг тўйига розилик бераётганлиги билан тугайди.

Р. Ҳамроев комедиядаги камчиликларни тузатиш йўлида анча меҳнат қилган. Лекин у ҳали спектаклда яхлит, ўткир конфликт яратолмаган. Комилжон, Умри билан Муродхонов ўртасидаги тўқнашувлар бўш ишланган. Режиссёр негадир бу эпизодларни бир мунча орқа планга олган. Мақсуд ва Баҳор образларидаги камчилик спектаклда ҳам такрорланган. Бу образларни тўғри талқин қилишда режиссёр зарур воситалар тополмаган.

Кичик Хўжа образини артист С. Хўжаев ижодидаги энг яхши комик образлар қаторига киритиш мумкин. Талантли санъаткор Кичик Хўжа қиёфасида оддий, камтарин, сергайрат, софдил меҳнаткашни, ўз оиласига меҳрибон отани тасвирлайди. Артист Кичик Хўжанинг онгидаги айрим эскилик сарқитларни ҳам жонли кўрсатган. Бу, асосан (I пардада) тўй мажораси саҳналарида яққол кўзга ташланади.

Кекса артист Р. Болтаев яратган Муродхонов образи ҳам спектаклнинг катта муваффақиятларидандир. Артист ўз қаҳрамонининг характерига чуқур кириб бориб, ундаги ижобий ва салбий хусусиятларни моҳирона очиб берган. Болтаев яратган Муродхонов — колхозга анча меҳнати сингган, катта тажрибакор киши, лекин илгари пахтачиликда эришган муваффақиятлари унда манманлик, ўжарлик, ўз билармонлик каби хисларни туғдиради. Артистнинг маҳорати шундаки, у Муродхоновнинг характеридаги салбий хусусиятлар уни шахсиятпарастлик, ичкиликбозлик, консерваторлик йўлига олиб келганлигини ҳаққоний кўрсатган.

С. Хўжаев ҳам, Р. Болтаев ҳам саҳнада образнинг қиёфасига мос келадиган, кишини ишонтира оладиган ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам тамошабин артистлар устидан эмас, балки Кичик Хўжа ва Муродхонов онгидаги эскилик қолдиқлари устидан қаттиқ кулади.

Спектаклда колхоз раиси Комилжон образи артист А. Абдурахмонов ижросида хуштабиат, камтарин, ҳали маълум тажрибага эга бўлмаган, ақлли, илмли, ёш, ҳатто ҳали уйланмаган йигит ҳолатида тасвирланган. Артист ўз қаҳрамонининг ажойиб инсоний фазилатларини, унинг кўпқиррали характерини очиб бериб, замондошларимизнинг жонли образини яратган. Комилжон — Абдурахмонов колхозчи ёшлар билан биргаликда қувонади, ашула айтади, ўрни келганда жиддий гапиради, ўрни келганда тажрибакорлардан ўрганади.

Спектаклдаги Азиз (артист М. Ғафуров), Карима (артист Т. Жаъфарова) ва Дилдор тоға (артист Х. Холматов) образларида ҳам шу кунларда қаҳрамонона меҳнат қилаётган ажойиб замондошларимизнинг жонли қиёфаси акс эттирилган. Бу образларда турли касбдаги кишилар тасвирланган, улар ёш, характер ва савия жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Лекин уларнинг ҳамма-сини илғор совет кишиларига хос олижаноб фазилатлар бирлаштиради.

Пьесада Умри образига катта ўрин ажратилган ва у бадиий жиҳатдан ҳам пухта ишланган. Лекин артист Ф. Раҳматова автор берган материаллардан унумли фойдаланолмаган. Натижада асардаги муҳим образлардан бири спектаклда нурсиз бўлиб чиққан. Тамошабин саҳнада гайратли, тадбирли, илмли, меҳнатсевар, шаддот агроном қизни эмас, пассив қизни кўради, ҳолос. Артист Умрининг ички ҳис-туйғуларини, унинг Азизга бўлган чексиз муҳаббатини ҳам акс эттиролмаган. Режиссёр ва ижрочи бу образни чуқурлаштириб, уни спектаклнинг асосий ижобий қаҳрамони даражасига кўтаришлари лозим.

Спектаклнинг декорацияларида рассом В. А. Рифтин ўзгариб, гуллаб-яшнаётган қишлоқларимизнинг гўзал қиёфасини усталик билан тасвирлаган. Айниқса, охирги пардаларнинг безаги образли ҳал қилинган. Умуман спектаклнинг декорациялари комедиянинг мазмунига мазмун қўшган.

Лекин спектаклдаги рақслар (III пардадаги вальс ва йигитлар рақси мустасно) кишида деярли ҳеч қандай таассурот қолдирмайди. Балетмейстерлар Р. Каримова ва Е. Н. Барановский рақсларни саҳналаштиришда янги ижодий усуллар тополмаганлар, уларни спектаклга сингдиролмаганлар. Рақсларда бошқа спектакллардаги рақсларнинг ҳаракати қайтарилган. Музикали комедиядаги рақсларга ҳам ҳазил, юмор, кулги ва комик ҳолатлар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Театр коллективи автор билан ижодий ҳамкорликда ишлаб, комедиядаги камчиликларни тузатиб, уни янада такомиллаштиришларига ишонамиз. Асардаги мавжуд камчиликлардан қатъий назар «Фарғона ҳикояси» — ёзувчи Ҳ. Ғулом, композитор Т. Жалилов ҳамда Б. Зейдман ва театр коллективининг партия XXI съезди, Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадасидан кейин яратилган дастлабки саҳна асаридир.

Ф. ЖУРАЕВ.

Ҳурмат тахтаси

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Бўстонлиқ райони (район партия комитетининг секретари **Хусанов**, район ижроия комитетининг раиси **Асилбеков**, район комсомол комитетининг секретари **Малибоев**, район ипакчилик бўлимининг мудири **Назаров** ўртоқлар). Бу район пилла топшириш планини 100,1 процент бажарди. Қўшимча равишда 7 тонна пилла топшириш мажбуриятини олди.

Паркент районидаги **«Коммуна»** колхози (раиси **Мирмуҳамедов**, партия ташкилотининг секретари **Тўқсонов**). Бу колхоз пилла топшириш планини 100 процент бажарди. Қўшимча равишда 400 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

Қуйи Чирчиқ районидаги **«Қизил Шарқ»** колхози (раиси **Ойхўжаев**, партия ташкилотининг секретари **Раҳметова** ўртоқлар). Бу колхоз пилла топшириш планини 155,2 процент бажарди. Қўшимча равишда яна пилла топшириш мажбуриятини олди.

Оржоникидзе районидаги **Охунбобоев номли** колхоз (раиси **Наримов**, партия ташкилотининг секретари **Даусеитов** ўртоқлар). Бу колхоз пилла топшириш планини 101,0 процент бажарди. Қўшимча равишда 500 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

Боёвут районидаги **Ленин номли** колхоз (раиси **Шокиров**, партия ташкилотининг секретари **Ананов** ўртоқлар). Бу колхоз пилла топшириш планини 106,0 процент бажарди. Қўшимча равишда 200 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

Янгийўл районидаги **Энгельс номли** колхоз (раиси **Шубладзе**, партия ташкилотининг секретари **Усмонов** ўртоқлар). Бу колхоз пилла топшириш планини 147,0 процент бажарди. Қўшимча равишда 100 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

ҲОСИЛ ТЎЙИ

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг меҳнатсевар пиллачилари давлатга 25 тонна пилла топшириб, мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар, ҳар қути қурт уруғидан 60 килограммдан ҳосил олиндн.

Колхознинг Фаттоҳ Каримов, Абдулла Тожиев, Ғулом Ғаффоров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида пилла ҳосили айниқса, мўл бўлди. Инобат Нурматова, Рўзихон Рўзиматова сингари илғор пиллачилар ҳар қути қурт уруғидан 110 — 120 килограммдан пилла олиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Колхоз правленеси ва бошланғич партия ташкилоти мўл пилла ҳосили етиштирилганлиги муносабати билан ҳосил тўйини ўтказдилар. Шу куни Дўрмон ва Қибрай сельпоси пиллачиларга духоба, гилам, тикув машинаси сингари кўплаб саноат моллари сотди.

Колхоз давлатга пилла сотишдан 1 миллион сўм даромад қилибди. Мухтабар Жабборова, Ўрин Маҳмудова, Ўринча Аҳмедова, Ойлар Каримова ва Зумрат Собирова каби илғор пиллачилар ҳосил тўйи куни ўз меҳнатлари эвазига 1500 — 1600 сўмдан аванс пули олдилар.

Ҳосил тўйи куни пиллачиларга санъат усталари — СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, республика халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов, республикада хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Мирзаев ўртоқлар иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Н. ЭРМАТОВ,
колхоз бош бухгалтерининг ўринбосари.

У. НИЕЗОВ,
«Коммунизм тонги» газетасининг ходими.

Область районларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 9 июнгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўйича	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Ҳаммаси бўйича	Бир кунлик ўсиш
Верхне-волинск	150,0	0,3	Бўстонлиқ	106,6	6,5
Мирзачўл	149,3	—	Оққўрғон	95,3	0,5
Қуйи Чирчиқ	145,0	—	Пискент	87,9	0,6
Урта Чирчиқ	139,9	0,2	Юқори Чирчиқ	86,0	2,2
Боёвут	135,3	—	Бекобод	85,5	0,1
Гулистон	131,4	—	Бўка	83,5	1,1
Калинин	131,0	0,5	Оҳангарон шаҳри	79,0	2,2
Қорасув	128,6	0,2	Олмалиқ шаҳри	76,4	3,6
Чиноз	124,9	0,2	Паркент	72,2	10,9
Оржоникидзе	122,7	0,2	Янгиер шаҳри	15,0	—
Янгийўл	122,4	—			
Сирдарё	121,2	0,2	Область бўйича:	109,9	1,2

Кимёгар санъаткорлар

Чирчиқ каналининг ўнг соҳилида кўркам бино бор. Бу ер Чирчиқ меҳнаткашлари, кимёгарлари дам оладиган, маданий ҳордиқ чиқарадиган саройдир. Саройда юзларча ҳаваскор янги концерт номерларини ўрганадилар, спортчилар машқ қиладилар, рассомлар сурат чизадилар, чеварлар эса янги келганларга иш ўргатадилар. Яқинда ташкил қилинган маданият университети ўзининг қизғин иш фаолиятини бошлаб юборди.

Саройда опера, балет, хор, духовой оркестр, драма, ашула ва рақс ансамбли каби тўгараклар ишлаб турибди, бу тўгаракларнинг машғулотларига 400 га яқин ҳаваскор қатнашмоқда, Ўзбек ашула ва рақс ансамбли тўгараги, миллий ашула ва рақс ансамблига малакали музикашунос ўртоқ Маҳмуджон Присметов раҳбарлик қилмоқда.

Миллий ансамбль репертуарида 200 га яқин актуал, ёқимли куй, ашула, рақс ва Ўзбек композиторларининг энг яхши асарлари бор. Ансамбль сарой клубида концерт беришдан ташқари саноат корхоналарининг клубларида, Бўстонлиқ ва Оржоникидзе район колхозларида концертлар бериб, мингларча тамошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Райим Норматов, Ўнсун Усмонова, Баҳра Исаева, Рихсидин Меҳриддинов, Жўра Жалолов, Илҳом Нурматов каби ўртоқлар ансамблнинг талантли ҳаваскорларидир. Ансамбль ҳаваскорлари Чирчиқ шаҳри бўйича ўтказиладиган фестивалга катта тайёргарлик кўраётирлар.

Маданият саройида бу йил ўзбек драма тўгараги ҳам ташкил қилинди. 20 кишилик бу тўгаракка Жўра Авазов раҳбарлик қилаётир. Улар «Алишер Навоий» драмасини, Ҳамза Ҳакимзоданинг «Туҳматчилар жазоси» комедиясини саҳнага тайёрламоқдалар.

Т. ЎРУНОВ.

Меҳрибон тарбиячи

Ёшгина, ширинсўз, чаққон Машкура Юсупованинг болалар тарбияси билан шуғуллана бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Уни кичкинтойлар жуда яхши кўриб қолишган.

Боғчага барвақт келган Машкура болаларнинг ўрин-тўшакларини текислайди, бирин-кетин келаётган болаларни:

— Келдингми, қўзичоғим, оббо Офтоб қизей, келақол, ўзимга кел, — деб ардоқлайди. Машкура тарбиялаётган болалар зерикиш нималигини билишмайди, вақтида овқатланиб, вақтида ухлашади, меҳрибон тарбиячидан қизиқ-қизиқ ҳикоячалар тинглашади.

Машкура Калинин районининг Шопайзи қулоқ қишлоғига жойлашган 8- болалар боғчасида ишлайди.

— Боғчамиз янги, яқинда иш бошлади, ҳали камчиликларимиз кўп. Лекин тарбиячиларимиз серҳаракат, болаларга меҳрибон, — дейди боғча мудираси Т. Абдураҳмонова.

Р. ҒАФУРОВА.

Тошкентда газ қувури ётқизиш ишлари бошланди



Тошкент меҳнаткашлари Бухоро газини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Ҳозир газ қувирлари магистрали Самарқанд шаҳрига яқинлашиб қолди. Бу магистраль келаси йилнинг охирларига бориб, шаҳримиз чеккасига етиб келади. Қизил тўқимачи станцияси яқинида газ тақсимлаш станцияси қурилиб, у пойтахтимизни муттасил равишда газ билан таъминлаб туради.

Кеча Богдан Хмельницкий кўчасида ТЭЦ биноси ёнида қудратли экскаватор газ қувирлари ётқизиш учун мўлжалланган траншеяни қазий бошлади. Юк машиналари бир-бирига пайванд қилинган 12 метрли жуфт-жуфт пўлат қувирларни ketма-кет етказиб бераётир. Қувир ётқизувчилар кучли кранлар ёрдамида газ қувирларини траншеяларга ётқизиш учун ҳозирланмоқдалар.

Шаҳар меҳнаткашлари, заводларнинг ишчилари, қувир ётқизишга бағишланган митингга тўпландилар. Сўзга чиққанлар ўз коллективларининг янги қурилишга қандай ҳисса қўшмоқчи экапликлари ҳақида мароқ билан сўзладилар.

Бу йил 20 километр газ қувири ётқизилади. Бу газ қувирлари Богдан Хмельницкий, Шота Руставели кўчаларидан ўтиб Чилонзор ва Оқтепа массивларига, Бешёғоч ва Навоий кўчаларига ўтади. Бу районда йил охиригача 5 минг квартирани газ қабул қилишга тахт қилиб қўйилади. Келаси йили, Бухоро гази келиб етгунга қадар, газ қувирлари узунлиги ва газлаштирилган квартиралар сони икки баравар кўпайтирилади.

Бухоронинг қулай ва арзон гази биринчи навбатда пойтахтимиздаги 13 корхонага — тўқимачилик комбинати, карборунд заводи, «Таштекстильмаш» ва бошқа заводларга берилади. Газни энг кўп истеъмол қиладиган корхона Тошкент ТЭЦи бўлиб, ҳозир у ерда реконструкциялаш ишлари бошлаб юборилди.

Митингда сўзга чиққан ТЭЦ директори ўртоқ Н. Батарин. — Бизнинг станциямиз биринчи бўлиб газ истеъмол қилишга кўчирилиши ҳаммамизни беҳад қувонтирмоқда. Чунки кўмир ўрнига газ ишлатиш фақат техника кўрсаткичларини яхшилашга олиб келмай, балки ишчиларимизнинг меҳнат шароитини ҳам анча яхшилаш имконини беради, — деди.

Сўзга чиққанлардан прораб Ф. Андронов ва бригадир П. Дмитриев ўртоқлар биринчи газ қувирларини ётқизиш шарафига муяссар бўлганликлари ҳақида гапириб, ўз коллективлари номидан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очиладиган кунгача 200 метр газ қувири ётқизишга ваъда бердилар.

Газ қувири ётқизаётган бинокорларни карборунд заводининг мастери И. Грицан, Фрунзе район партия комитетининг секретари Ж. Хўжаев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ш. Исломов ва Ўзбекистон ССР Қурилиш министрининг ўринбосари В. Скребнев ўртоқлар қизғин табриклаб, катта муваффақиятлар тиладилар.

Бухоро газини қабул қилиб олиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилганлиги партия ва ҳукуматимизнинг шаҳримизни янада гуллаб-яшнаши, шаҳар меҳнаткашларининг бахт-саодати йўлида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётганлигини яна бир бор исботлайди.

А. ТОЛИПОВ.

Суратда: Қувурларни ётқизиш пайти.

М. Комлев фотоси.

Дам олувчилар учун

Дарвозадан кираверишда чап томондаги шинамгина чойхонада гурунг катта. Нарироқда атрофи чаман-чаман гулзорлар билан қуршалган Ленин ҳайкали. Сал нарироқда эса хотин-қизлар корпусининг кўркам биноси. Гулзордан ёқимли ҳид эсмоқда. Дам олувчилар учта-учта, тўртта-тўртта бўлиб, ширин суҳбатлашиб ўтиришибди. Бировлар соясалқин жойда китоб ўқиянти, газета ва журналларнинг янги сонларини кўздан кечираянти. Шахмат-шашка ва биллиард ишқибозлари ҳам завқ билан ўйинга машғул.

Бу ажойиб боғ медицина ходимларининг дам олиш уйи бўлиб, Юнусобод қишлоғининг кўркам бағрига жойлашган. Дам олувчилар учун бу ерда ҳамма қулай шароит яратиб берилган. Улар учун концертлар, бадиий фильмлар намойиш қилиб турилади. Дам олувчилардан тузилган бадиий ҳаваскорларнинг концерти ҳам қизиқарли бўлади. Турли маданий юришлар, экскурсиялар ҳам уюштирилади.

Дам олиш уйи маъмурияти бу йил 100 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб, боғни янада обод қилди, бир қанча бинолар қурилди. Ўринлар сони 165 га етказилди.

3 майдан ишга тушган бу дам олиш уйида республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида меҳнат қилаётган медицина ходимларидан бир неча юз киши дам олди. Ҳозир дам олиш уйида учинчи навбатга келган истироҳатчилар дам олмоқдалар.

З. ОРИПОВ.

Аҳолига мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари етказиб берайлик!

Бу ишнинг муҳимлиги унутиб қўйилмасин

Кейинги вақтда Бўстонлиқ районининг колхоз ва совхозлари асосан картошка, сабзавот ва полиз экинлари, чорва, мева маҳсулотлари етиштириб берувчи хўжаликларга айланиб қолди. Бу йил район меҳнакашлари шаҳар аҳолиси учун қарийб 34 минг тонна сабзавот, картошка ва полиз экинлари етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Хўш, шу кунларда мажбурият асосида қандай ишлар олиб борилаётир? Районда 1836 гектар ерга экин экилиб, унинг парвариши бошлаб юборилди. Бироқ текширишлар шуни кўрсатаяптики, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги», Калинин номли, Фрунзе номли колхозларда социалистик мажбурият юзасидан анча дуруст ишлар қилинаётган бўлса ҳам, районнинг бошқа кўпгина хўжаликларида картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилининг мўл-кўл бўлиши учун етарли кураш олиб борилмаётир.

Ўртоқ Шамсиев раислик қилаётган «Чирчиқ» колхозида ҳаммаси бўлиб 110 гектар ерга картошка экилиши керак эди. Аммо колхоз раҳбарлари бу ишга жуда эътиборсизлик билан қараяптилар. Шу кунгача картошка экиш планининг фақат 30 процента бажарилганлиги буни исбот қилувчи далилдир. Бу колхозда кечки картошка экишга ҳам тайёргарлик кўрилмаяпти. Ажратилган 75 гектар ер яхши ишланмай, ўт босиб ётибди.

Колхозда илгари экилган картошканинг парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 35 гектар майдондаги картошка экилганига салкам бир ярим ой бўлган-у, ҳалигача чопиқ қилинмаётир. Бунинг 11 гектари сувсизликдан қовжираб ётибди. Хўжаликда карам экишга бепарволик билан қаралиб, пландаги 10 гектар ўрнига фақат бир ярим гектар ерга кўчат ўтказилган. Пиёз, помидор, бодринг экинлари экиш плани ҳам бажарилгани йўқ.

Энгельс номли колхоз (раиси ўртоқ Умаров) да ҳам бу муҳим ишга нисбатан ёмон муносабатда бўлинаётир. Шу пайттача пландаги 26 гектар ўрнига 6,5 гектар ерга пиёз уруғи сепилган. Бунинг ҳам салкам 3 гектари ёввойи ўтлар орасида қолиб, сарғайиб кетган.

Айниқса, полиз экинларининг парвариши ёмон аҳволда. Биргина ўртоқ Бойқораев бошлиқ бўлган бригаданинг ўзида 4 гектар ерга қовунтарвуз экилган. Бунинг устига бу экин анча палак отиб қолган бўлишига қарамасдан ягана қилинмаган, чопилмаган ва суғорилмаган. Райондаги «Қизил ту», Ленин номли, Жданов номли колхозларда ҳам аҳвол ана шундай.

Районда картошка, полиз ва сабзавот экинлари парваришига дуруст аҳамият берилмаётганини шундан ҳам билиш мумкинки, шу маҳалгача пландаги 970 гектар ўрнига фақат 350 гектар ерга картошка экилган.

Колхоз ва совхозлар парник хўжалигини яхши йўлга қўйиш ишига тузук аҳамият бермаяптилар. Оқибатда эртаги карам, помидор экиш учун кўчатлар етказиб берилмай, пландагига нисбатан 23 гектар карам ва 63 гектар помидор кўчати кам ўтказилди.

Район раҳбарлари, қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиқлари шаҳар аҳолисини картошка, сабзавот ва полиз экинлари билан сероб қилишдек шарафли ишга бепарво қараб кедаётирлар. Бўлмаса, фақат сабзавот ва полиз экинлари пландагидан 561 гектар кам экилармиди!

Картошка, сабзавот ва полиз экинлари халқимиз учун энг зарур озиқ-овқатлардан ҳисобланади. Район раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг бошлиқлари бу нарсани доим ёдда тутишлари керак. Ҳозирча бу экинлар парваришидаги қолоқликни тугатиб, мўл-кўл маҳсулот етиштиришга замин ҳозирлаш учун ҳамма шароит бор. Аммо экинлар парвариши бундан буён ҳам кечиктирилаверса, район меҳнаткашлари олган юксак мажбурият бажарилмай қолиб, улар шаҳарлик дўстлари олдида уялиб қолишлари мумкин.

А. НАБИХУЖАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Хўжасизликка хотима берилсин“

Газетамизнинг шу йил 8 май сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада «Ўзбексельмаш» заводида металлни сарфлаш устидан назорат ўрнатилмагани, цехларда ошиқча металл сарфланаётгани, брак маҳсулот ишлаб чиқарилиши, шунинг натижасида корхона кўплаб зиён кўраётгани тўғрисида ёзилган эди.

Завод партия комитети секретари ўртоқ Акоповнинг редакцияга маълум қилишича, мақола партком мажлисида муҳокама қилинган ва унда келтирилган танқидий мулоҳазалар тўғри деб топилган.

Партия комитети завод маъмурияти, цех бошлиқлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари зиммасига материалларни тежамсиз сарфлашга қарши қатъий кураш олиб бориш вазифасини юклаган. Заводда баланс комиссиясининг иши тикланган ва унинг мажлисларини мунтазам равишда ўтказиб туриш таъмин этилган. Корхона маъмуриятига цехларнинг ишига якун ясаганда материалларнинг сарфланишини ҳисобга олиш таклиф этилган.

Капиталистик мамлакатларда ишчиларнинг аҳволи

Капиталистик мамлакатлар экономикаси кенг меҳнаткашлар оммасининг нормал ҳаёт кечириши учун шароит яратиб беришга қодир эмас. Капиталистик мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга хизмат қилмайди.

«Капиталист мамлакатларда, — деди Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида қилган докладида, — ишлаб чиқариладиган бойликларнинг жуда кўп қисми эксплуататорлар ва уларнинг ювиндихўрлари қўлига ўтади, ҳолбуки социалистик шароитда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайиши амалда меҳнаткашларнинг турмуши яхшиланиб боришини кўрсатади. Образли қилиб айтганда, агар биз ишлаб чиқаришни юксалтирар эканмиз, бизда бундан ҳақиқатан ҳам ҳар бир «жон» манфаат кўради, ҳолбуки, капиталист мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг ўсишидан бой ва капиталга эга бўлган «жон»гина манфаат кўради. Капитали бўлмаган «жон» ишлаб чиқариш ўсган тақдирда ҳам қалтироқ бўлиб қолади. Бу, капитализм тузумида «тенг шароитлар» деб аталган нарсанинг худди ўзгинасидир — бировлар бойийдилар, бошқалар эса очликдан ўладилар. Бундай аҳвол капитализм қонунларига тамомила тўғри келади ва нормал ҳамда табиий ҳол деб ҳисобланади».

Меҳнатни енгиллаштиришнинг асосий воситаси бўлган техника прогресси империализм даврида ҳам маълум даражада юз беради. Лекин бу, меҳнат шароитларини яхшилаш ўрнига кўпчилик ҳолларда яна ҳам оғирлаштиради. Буни биз Америка Қўшма Штатлари мисолидан янада яққолроқ кўришимиз мумкин. Ҳозирги вақтда АҚШда ишлаб чиқариш қувватлари атиги 72 процент фойдаланилмоқда. Юз бераётган кризислар ишлаб чиқаришга жиддий таъсир қилиши билан бирликда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада пасайтирмоқда. Ўтган йили АҚШда бутунлай ишсиз бўлган меҳнаткашларнинг сони 5,2 миллион кишига етди. Шулардан 3 миллиони арзимаган миқдорда ишсизлик нафақаси олиб турган бўлса, йилнинг охирига келганда 2 миллион кишининг муддати тугаб нафақадан маҳрум этилди. Йирик монополия эгалари мамлакатдаги иқтисодий кризисдан ўзларининг манфаатлари учун фойдаланмоқдалар ва ишчиларни эксплуатация қилишни кучайтириб, уларнинг турмуш даражасини янада пасайтирмоқдалар. Ҳозирги хўжаликларнинг деярли ҳамма тармоқларига тарқалган ортиқча ишлаб чиқариш иқтисодий кризиси шароитида, йирик монополистлар меҳнат интенсивлигини ҳар қандай йўллар билан кўтаришга уринмоқдалар. Шуниси характерлики, меҳнат интенсивлиги саноатнинг кризисдан кўпроқ шикаст еган тармоқларида, жумладан металлургия ва автомобиль саноатида ўсиб бормоқда.

«Уоркер» газетасининг ёзишича, форд заводларида ишчилардан ишнинг тезлигини кучайтириш талаб қилинган. «Крейслер» концерниси ишчиларнинг анчагина қисмини қисқартириб, қолганлари учун янги ишлаб чиқариш нормаларини жорий қилган. Меҳнатнинг оғирлиги шу даражага бориб етганки, ишчиларнинг кўп қисми белгиланган нормаларни бажариш қувватига эга бўлмаганлиги сабабли ишни ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. АҚШ саноатида меҳнат интенсивлигининг ҳаддан ташқари ўсиб кетганлиги туфайли, кўпгина корхоналарнинг ишчилари иш сўрагаларини пасайтиришни талаб қилиб, забастовка қилганлар.

Шундай қилиб капитализм шароитида техника прогресси, техниканинг ривожланиши, меҳнат шароитини яхшилашга эмас, аксинча, Марксниг образли сўзи билан айтганда «меҳнат азобини жамғариш»га олиб келмоқда.

Ҳозирги замон капитализмининг асосий мақсади меҳнаткашларни аёвсиз эксплуатация қилиш йўли билан максимал даражада фойда олишдан иборатдир. Йирик монополистларни ишчиларнинг саломатлиги ва ҳаёт-мамоти каби «майда» масалалар озгина бўлса ҳам ташвишга солмаётир. «Уоркер» газетаси Америка Қўшма Штатларидаги ишчиларнинг аҳволи тўғрисида қуйидагиларни ёзади: Буфалло районидаги «Дженерал Моторс» концернининг 4000 дан ортиқ ишчи ишлайдиган заводида меҳнат шароитлари ниҳоят даражада оғир, меҳнат суръати қутиргандек тез, хавфсизлик техникаси ёмон, санитария-гигиена шароитларга талабга мутлақо жавоб бермайди.

АҚШдаги кўп корхоналарда меҳнат шароитларининг нечоғлиқ оғир эканлигини «Колер Компани» саноат монополиясининг мисолида янада яққол кўриш мумкин. Корхоналарнинг иссиқ цехларида иш шундай юқори температурада олиб борилади-ки, ишчилар чидаб бўлмаслик даражадаги иссиқликнинг нафас олиш органларига бўлган зарарли таъсирини бироз камайтириш учун, оғизларига нам дока тутиб ишлаяпти. Бу компаниянинг кўпчилик ишчилари ўпка касалликларига мубтало бўлганликлари ҳам бечиз эмас. «Уоркер» газетаси «Колер Компани» ишчилари меҳнат қилаётган шароитларни «Вахшиёна меҳнат шароити» деб ёзади. Америкадаги «Юнайтед стейтс ньюс Энд Уорд рипорт» журналининг берган хабарига қараганда, АҚШда медицина хизматининг қиммати ўртача оила учун оғир юк бўлиб қолмоқда. Журналнинг хабар беришига қараганда, масалан, ошқозон ярасини операция қилиб даволаш учун 1264,5 доллар тўлаш керак бўлади.

Капитализм даврида меҳнат шароитларининг оғирлиги ишчилар синфи учун фожиали натижаларга олиб келгани табиий ва қонуниийдир. Иш кунининг узунлиги, меҳнатнинг ҳаддан ташқари интенсивлиги, меҳнат муҳофазаси тўғрисида ҳеч қандай гамхўрликнинг бўлмаганлиги ишчи кучларидан йиртқичларча фойдаланиш натижасида ишчининг меҳнат қобилиятига эга бўлган ҳаёт даврини қисқартиришга олиб келмоқда. Шунинг учун ҳозирги вақтда АҚШда «45 яшарликлар проблемаси»нинг кун тартибидан тушмай турганлиги бечиз эмас. АҚШнинг кўпчилик саноат корхоналарида ишга қабул қилинганда эркакларнинг 45 ёш, аёлларнинг 35 ёшдан ортиқ бўлмаслиги шарт қилиб қўйилади. Маълумки, иқтисодий кризис муносабати билан ишчиларнинг бу категорияси биринчи навбатда ишдан бўшатилади. 45 ёшдан катта бўлган ишсизларнинг сони 1956 йилдаги 800 мингдан 1958 йилда 2 миллион 100 минг кишига кўпайди.

Лозим бўлган санитария-гигиена шароитларининг йўқлиги, ишчиларнинг соғлигини сақлаш қониқарсиз бўлгани ва меҳнатнинг ўтакетган даражада интенсивлана бориши ишчиларни меҳнат қобилиятларини барвақт йўқотишга, «бевақт инвалидлик» ка дучор қилади. Ҳафталик «Скоуп Уикла» журналининг маълумотларига кўра АҚШ да 1956 йилда турғун инвалидлиги бўлган 50 ёшдаги 250000 киши борлиги қайд қилинган.

«Интернешнэл лейбор» журналининг 1957 йил январь сонида босилган «Ҳозирги замон саноатининг медик ва психологик аспектлари» сарлавҳали мақола авторининг иқрор бўлишича, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг ниҳоят даражада кенг масштаблари, ҳаддан ташқари тез иш суръатлари, ишсиз қолишдан ҳавотирланиш ва бошқа ижтимоий сабаблар «Ишчининг асабий ва жисмоний ҳордигини энг охирги чегарага етказадилар». Асабий-психик, юрак-қон йўллари ва бошқа профессионал касалликларнинг сабаби ҳам шундадир.

Илмий-тадқиқот материаллари меҳнат шароитларининг, айниқса, меҳнат процессларининг интенсивлиги кучайиши, юрак-қон йўллари касалликларининг ўсиб боришида муҳим роль ўйнаганини кўрсатади. Расмий маълумотларга кўра АҚШда бу касалликлардан ўлиш ҳар 100000 аҳоли ҳисобига 1900 йилда — 137,4, 1955 йилда — 355,8 ҳодиса юз берган, яъни икки ярим баравар ошган. Ҳозирги вақтда АҚШда юрак-қон йўли касалликларига дучор бўлганларнинг сони қарийб 10 миллион кишига боради.

Меҳнатнинг интенсивлиги ўсиши ва моддий қийинчиликлар натижасида юз берган нерв-психик касалликларнинг ўсиши ҳам жуда характерлидир.

1954 йилнинг охирида АҚШнинг психик касалхоналарида даволанётган касалларнинг сони 630.400 киши бўлган, АҚШ касалхоналарида бўлган ўринларнинг ярми асабий касаллар билан бандир.

Президент Эйзенхауэр саноатда меҳнат муҳофазаси масаласи бўйича ўтказилган 5-конференцияда сўзлаган нутқида АҚШда «Кишилик фаолиятининг барча соҳаларида бахтсизлик ҳодисалари жуда кўп» эканлигига ўзи ҳам иқрор бўлди.

Дарҳақиқат, расмий статистика ва махсус тадқиқот маълумотларига биноан АҚШда ишлаб чиқаришда ҳар йили ўн мингларча ишчилар ҳалак бўлади, миллионларча ишчилар эса майиб бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотади.

Расмий, албатта, тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар натижасида ишчиларнинг 1950 йилда 800 миллион, 1952 йилда — 850 миллион, 1954 йилда 950 миллион, 1956 йилда — 1.100 миллион доллар иш ҳақи йўқолган.

Даволанишга сарф қилинадиган харажатларнинг кўпайиши туфайли, ҳозирги кунда америка оилаларининг 16 процента кўрсатилган медицина ёрдами учун қарздор бўлиб қолганлар. Бу қарзларнинг умумий суммаси бир миллиард доллардан ошади. Йўқолган иш вақтини кун ва доллар билан ҳисоблаш мумкин. Бироқ кишининг азоб-уқубати, қаровчисини йўқотган оилаларнинг умидсизликларини ҳеч қандай ўлчов билан ифода қилиб бўлмайди.

Америка Қўшма Штатлари ва бошқа капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари капитализм дунёси — қуллик, раҳмсиз эксплуатация, жаҳо ва қашшоқлик дунёси эканлигини ўз бошларидан кечираётган оғир турмуш шароитлари мисолида кўрмоқдалар ва бу оғир аҳволдан қутилишнинг бирдан-бир йўли социализм эканлигига иқрор бўлмоқдалар.

И. НАЗАРЕНКО.

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида

БУЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР ПРАКТИКАДА

Тошкентдаги Охунбобоев номли республика медицина билим юртининг санитария-фельдшер бўлимини бу йил 120 дан ортиқ студент тамомлаб чиқади. Битирувчи курс студентлари шу кунларда республикамизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРда ишлаб чиқариш практикасини ўтказмоқдалар. Улар практика даврида билим юртида олган назарий билимларини янада мустаҳкамлайдилар. Ишлаб чиқариш практикаси 15 июнгача давом этади.

Қ. Тошбоев.

КОМСОМОЛ ЖАМҒАРМАСИГА

Олтинтопган комбинатининг ёшлари темир-терсак тўплаш ҳақидаги чақириққа амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Бойитиш фабрикасининг комсомол ва ёшлари ишдан ташқари вақтлар ва дам олиш кунларида 140 тоннадан ортиқ темир-терсак тўплаб, қабул пунктига топширдилар. Марказий ремонт механика заводи ва уй-жой коммунал конторасининг комсомоллари ҳам бу ишга актив киришганлар. Шаҳар комсомол ёшлари 300 тоннага яқин қора ва рангли металл парчаларини тўпладилар. Бу, ёшларнинг етти йиллик фондига қўшган ҳиссасидир.

В. Нечаев.

Олмалиқ шаҳри.

КЎЧМА ДЎКОНЛАР

Оржоникидзе район матлубот жамияти колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни кун сайин яхшилаш тадбирларини кўрмоқда. Жумладан, 6 та кўчма дўкон, автолавка ташкил этилиб, улар колхозчиларга иш тепасида хизмат кўрсатмоқдалар. Айрим бригадаларнинг дала шийпоналарида кенг истеъмол моллари билан таъминланган сотувчисиз магазинлар ҳам ишлаб турибди.

С. Мирзалиев.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Чиноз районидаги 2- «Вревский» совхозининг 9- бўлимида трахома касалликларини даволовчи шифохона очилиб, ишга туширилди. Шифохона малакали медицина ходимлари ва зарур асбоб-ускуналар, препаратлар билан таъминланган. Янги медицина муассасаси қишлоқ меҳнаткашларига яхши хизмат кўрсатмоқда.

К. Довурбоев.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ БАЖАРИЛДИ

Янгийўл районидаги Энгельс номли колхоз марказида қишлоқ магазини учун бино қурилиб, ишга туширилди. Бу магазинни қуришда сайловчиларнинг наказига биноан район Советининг депутати ўртоқ Х. Шубладзе катта ёрдам кўрсатди. «XVIII партсъезд» сельпоси бу савдо шохобчасини ҳар хил маданий моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турибди.

Х. Бекмирзаев.



Сочи мамлакатимизнинг энг баҳаво, роҳат қилиб ҳордиқ чиқарадиган жойларидан ҳисобланади. Бу ерда Шимолий қутб ва серқуёш Ўзбекистондан, Болтиқ бўйи республикалари ва Сахалиндан, Закарпат Украинаси ва Уралдан, Грузия ва Қирғизистондан келиб ўз меҳнат отпускаларини яхши дам олиб ўтказаётган ишчи ва хизматчиларни, олим ва ёзувчиларни учратиш мумкин. Суратда: Сочидаги «Донбас» санаторийсида дам олаётган ўзбекистонлик ишчи ва хизматчилар.

В. Кожехов фотоси.

Тинчлик, ёшлик ва дўстлик байрами

Шу кунларда Австрияда бўлган киши йигит ва қизларнинг кўлида чиройли қилиб ишланган, ранг-баранг расмли брошюрани кўриши мумкин. Бу, ёшлар ва студентларнинг Вена шаҳрида ўтказиладиган VII Жаҳон фестивали программасидир. Программани Доимий тайёргарлик комитети тайёрлаган.

Ёшлар байрамининг қизиқарли бўлиши кутилади. Программада ёзилишича тинчлик байрами, бадиий конкурслар, спорт мусобақалари, студентлар ва бир хил касбдаги ёшларнинг учрашувлари, мустамлака мамлакатлар ёшларининг дўстлик ва ҳамкорлик кечаси фестивалнинг асосий тадбирларидан ҳисобланади.

Фестиваль ўтаётган кунларда бутун Вена бамисоли улкан концерт залига айланади. Тайёргарлик комитетига ҳозирнинг ўзида 30 та мамлакатнинг бадиий коллективлари ва солистлари концертда қатнашиш учун заявка берганлар. Аргентинанинг машҳур эстрада оркестри, Хитой цирки артистлари, АҚШдан рақс ва музика ансамбли, Неаполдан вокал ансамбли ва Сицилия оркестри, грек классик театри, Африка мамлакатлари, Япония, Цейлон, Индонезиянинг миллий ансамбллари, Англиядан джаз—оркестр, Венгриядан лўлилар ансамбли ва бошқалар Венага келадилар.

Венанинг Марказий стадионида 26 июлда VII жаҳон фестивалининг байроғи тантанали равишда кўтарилади. Ана шу кунни жаҳон ёшлари ва студентлар, тинчликсевар, соф ниятли кишилар ҳаяжон билан кутмоқдалар. Чунки традицион бу фестиваль тинчлик учун курашувчилар сафини янада мустаҳкамлайди.

Колхозларда янги қурилишлар

Мирзачўл районидаги бир қанча колхозлар пахтадан олаётган катта даромад ҳисобига қурилиш ишларини авж олдирмоқдалар. «Коммунизм», «Октябрь», «Коммуна», «Ленинизм» ва Сталин номли колхозларда МТСдан сотиб олинган техникани сақлаш учун катта типовой трактор парклари қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилди. «Коммуна» колхозида қурила бошлаган омбор ва молхона бинолари ҳам ишга туширилди. Ленин номли колхозда эса ўрта мактаб биноси фойдаланишга топшириш арафасида турибди.

Қурилаётган жамоат ва уй-жой бинолари туфайли қишлоқлар обод ва маданий қиёфага кирмоқда.

Ф. НИШОНБОЕВ.

„Тоғора ўйини"

Яқинда Москвадаги Чайковский номли концерт залида И. Моисеев раҳбарлик қилаётган СССР халқ ўйинлари Давлат ансамблининг катта концерти бўлди.

Бу ансамбль дунёнинг кўпчилик мамлакатларида бўлиб, жуда катта муваффақиятлар қозонган, тамошабинларнинг зўр олқишига сазовор бўлган. Айниқса, Америка халқи ансамбль коллективининг маҳоратига тан берган эди.

Ансамбль ўзининг бу концертида СССР халқларининг янги ўйинларини чунончи, молдаван халқининг «Табакаряска», «Қолмиқ ўйини», рус халқининг «Вензала» ўйинларини зўр маҳорат билан ижро этди.

Айниқса, Сергей Цветков ижро этган ўзбекча «Тоғора ўйини» москвалик тамошабинларни ҳаяжонлантирди. Сурен Асатуров чилдирмада жўр бўлиб турди. Тамошабинлар узоқ қарсаклар чалиб, қайта ўйнашни илтимос қилдилар.

Ансамбль яқинда СССР бўйлаб, янги гастроль сафарларига чиқиб кетади.

В. БРАЙКОВСКАЯ.

Москва шаҳри.

ФУТБОЛ

СОВХОЗ ФУТБОЛ КОМАНДАСИНИНГ 10- ҒАЛАБАСИ

Яқинда 1- «Боёвут» футбол командаси ўз стадионида Мирзачўл район командаси билан учрашди. Ўйин қизғин спорт кураши вазиятида ўтди. Мусобақада 4:2 ҳисоби билан майдон эгалари ғалаба қилдилар. Бу 1- «Боёвут» командасининг шу йилги футбол мавсумидаги 10- ғалабасидир.

Чет Элларда

ПОЗНАНЬ ХАЛҚАРО ЯРМАРКАСИДА СОВЕТ ПАВИЛЬОНИ КУНИ

ПОЗНАНЬ, 8 июнь. **(ТАСС мухбири).** Бугун Познань халқаро ярмаркасида Совет павильони куни. Эрталабдан бошлаб то павильон бекилишига қадар одамлар тўхтовсиз келиб турди.

Павильонга келувчилар «Чайка» ва «ЗИЛ-111» маркали янги енгил автомобилларни, «ЗИЛ-157» юк автомашиналарини, белгилаб қўйилган режа билан ишлайдиган фрезер станини, токарлик автомат станини, жуда кўп ўлчов аппаратларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирадилар.

Лекин Ернинг уч совет сунъий йўлдошларининг макетлари СССР экспозициясида энг зўр қизиқиш туғдирди, дейиш мумкин.

Кўп кишилар Совет павильонини кўздан кечирганларидан кейин таассуротлар дафтарига ўз таассуротларини ёзиб қолдираётир. Таассуротлар дафтарининг биринчи бетида бундай деб ёзилган:

«Совет саноатининг ажойиб экспозициясини чин кўнгилдан табриклайман. Савдо шартномалари тузишда муваффақият тилайман. Мен Познань халқаро ярмаркасида Совет Иттифоқининг иштироки Польша жамоатчилигининг Совет Иттифоқи эришган ғоят катта муваффақиятлар билан кўпроқ танишувига ва поляк-совет дўстлиги ҳамда ҳамкорлигининг кучайишига ёрдам беради, деб ишонаман. **Ю. Циранкевич».**

Бугун Совет павильони куни муносабати билан СССРнинг Польшадаги савдо вакили А. А. Трусов қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Госплан раиси А. Н. Косигин бошчилигида Совет ҳукумат делегацияси, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги планлаштириш комиссиясининг раиси С. Ендриховский, Польша ҳукуматининг аъзолари, Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегациялари ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Госплан раиси А. Н. Косигиннинг таклифига мувофиқ, қабул маросимида Познандаги «Г. Цегельский» машинасозлик заводи ишчилари ва инженер-техник ходимларининг катта бир группаси ҳозир бўлди. А. Н. Косигин ва Совет ҳукумат делегацияси аъзолари бугун шу саноат корхонасида бўлиб, унинг ишлаб чиқариш цехларини кўздан кечирган, тайёр маҳсулотлар билан танишган эдилар

Познандаги 28- халқаро ярмаркаси 21 июнгача давом этади.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгаши доимий секретариатининг баёноти

ҚОҲИРА, 8 июнь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгашининг доимий секретариати бугун баёнот эълон қилди. Баёнотда Англия мустамлака маъмурларининг 22 майда Угандада фавқулодда ҳолат жорий қилганликлари қатъиян қораланади.

Баёнотда айтиладики, фавқулодда ҳолат жорий қилиш билан бир вақтда, сиёсий фаолият бутунлай тақиқлаб қўйилди, суриштирмай қамоққа олишлар кучайиб кетди, гражданлик эркинликлари ва элементар инсоний ҳуқуқлар тамомила бостирилди ҳамда комендантлик соати жорий қилинди. Мустамлака маъмурлари гражданларнинг ерларини, уй-жойларини ва шахсий мулкларини мусодара қилмоқдалар. Губернаторга чекланмаган ҳуқуқ ва ваколатлар бериб қўйилди.

«Доимий секретариат шу нарсани ғазабланиб қайд қиладики, дейилади баёнотда, инглиз мустамлака маъмурларининг бу ҳаракатлари Уганда халқининг орасини бузишга ва ўзларининг мустамлакачилик ҳукмронликларини узайтиришга қаратилган ҳаракатларидир. Мустамлака маъмурлари миллий озодлик ҳаракатини ҳар хил бесўнақай баҳоналар билан бостиришга ҳамиша интилиб келдилар. Угандада яқинда фавқулодда ҳолат эълон қилинганлиги Уганда миллий конгресс партиясининг мамлакатга мустақиллик олиб бериш соҳасидаги планларини амалга оширмасликка қаратилган тадбиргина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, халқни ҳамда Шарқий ва Марказий Африканинг Уганда билан чегарадош бошқа қарам мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларини қўрқитишга ҳам қаратилган тадбирдир».

Доимий секретариат фавқулодда ҳолатни дарҳол бекор қилишни, сиёсий маҳбусларни озод қилишни, қабилалар ўртасидаги урушни авж олдириш мақсадида уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишни тўхтатишни талаб этади.

Доимий секретариат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу ишга аралашиб, инглиз маъмурларининг террорини ва маҳаллий аҳолига нисбатан ўтказаётган таъқиботларини тўхтатишларига эришишни талаб этади, чунки маҳаллий аҳолини бундай террор ва таъқиб қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумий декларацияни қўпол равишда бузишдир.

Доимий секретариат Африка-Осиё мамлакатлари бирдамлигининг барча миллий комитетларини мустақиллик учун, мустамлакачилар ҳукмронлигига қарши курашаётган Уганда халқини қувватлаш мақсадида шу йил 5 июль кунини Уганда халқи билан бирдамлик куни қилиб ўтказишга чақиради.

АҚШНИНГ ДАВЛАТ ҚАРЗИ КЎПАЙИБ КЕТМОҚДА

Президент Эйзенхауэрнинг АҚШ конгрессига мактуби

ВАШИНГТОН, 8 июнь. (ТАСС). Президент Эйзенхауэр бугун конгрессга махсус мактуб юборди. Бу мактубда президент «ҳукуматнинг ўз қарзларини бартараф қилиш имкониятини анча яхшиламоқ учун» давлат қарзининг доимий белгилаб қўйилган чегарасини кўпайтириб, 283 миллиард доллардан 288 миллиард долларга етказишни ва давлат қарзининг вақтинча белгиланган чегарасини ошириб, 288 миллиард доллардан 295 миллиард долларга етказишни сўрайди.

Эйзенхауэр давлат бюджетидан қилинаётган харажатларни пул билан таъминлаш учун чиқарилаётган давлат заёмлари облигацияларини тарқатишни енгиллаштиришга қаратилган ва қонун йўли билан белгиланадиган бир қанча тадбирларни ҳам тавсия қилади.

Президентнинг мактубида айтиладики, давлат қарзининг таклиф этилаётган чегараси «доимий лимит —275 миллиард доллардан 13 миллиард доллар миқдорида ошиқдир. Бу лимит бу йилги молия йилининг бошида кучга кирган. Давлат қарзи белгилаб қўйилган чегарасининг 13 миллиард доллар миқдорида кўпайиши ҳукумат федерал бюджетининг бу йилги молия йилидаги дефицитига тахминан баравардир».

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси барча мухбирларга маълум қиладики, шу йил 11 июнь, кеч соат 6 да редакция биносида (4-қават, 94- уй) актив мухбирларнинг семинари ўтказилади. Семинарга қизиққан ҳамма мухбирлар қатнашиши мумкин.

СПОРТ САРОЙИДАГИ МИТИНГ — ХАЛҚ БАЙРАМИ

БОННН, 8 июнь. (ТАСС). Ғарбий Германия матбуоти Н. С. Хрушчевнинг Лужникидаги Спорт саройида сўзлаган нутқи тўғрисидаги ва унинг Венгрия телеграф агентлиги ҳамда «Непсабадшаг» газетаси редакцияси саволларига берган жавоблари тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди. Газета хабарларида айтилишича, Хрушчев Болқон мамлакатларида атом қуролидан ҳоли зона вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни яна бир марта таъкидлади. «Франкфуртер альгемейне» газетаси ўз сарлавҳасида ёзади: «Хрушчев Болқон мамлакатларида ракеталардан ҳоли зона вужудга келтирилишини қаттиқ талаб қилмоқда». Шу билан бирга баъзи буржуа газеталари Италияда Америка ракета базаларининг вужудга келтирилишига қарши Н. С. Хрушчевнинг қилган огоҳлантиришларини ҳеч асос бўлмаган ҳолда ана шу мамлакатларга қилинган «таҳдид» деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Шу билан бирга Германия Федератив Республикасининг матбуоти Н. С. Хрушчев ҳозирги халқаро аҳволга ва халқаро муҳитни яхшилаш учун Женева кенгашининг аҳамиятига оптимистик баҳо беради, деб уқтириб ўтади. Газеталар Н. С. Хрушчевнинг Венгрия телеграф агентлиги ва «Непсабадшаг» газетаси редакцияси саволларига берган жавобларидан айрим ўринларини кўрсатиб ўтмоқдалар.

«Франкфуртер альгемейне» ва «Ди Вельт» газеталари Н. С. Хрушчевнинг Спорт майдонида ўтказилган митингда сўзлаган нутқи тўғрисида ўзларининг Москвадаги мухбирларининг батафсил хабарларини босиб чиқардилар. «Ди Вельт» газетасида босилган хабарда «Спорт саройи митинг вақтида халқ байрами тусини олди» деб таъкидлайди.

Ташқи ишлар министрлари учрашди

ЖЕНЕВА, 8 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун совет делегацияси резиденциясида ташқи ишлар министрлари А. А. Громико, К. Гертер, С. Ллойд, М. Кув де Мюрвиллар яна ғайри расмий суратда учраштилар.

Ташқи ишлар министрлари кенгашида қараб чиқилаётган масалалар муҳокама қилинди.

9 июнда ташқи ишлар министрларининг ғайри расмий учрашуви ўтказиладиган бўлди.

Телевизор экранида

11 июнда

18.20 Бадиий фильм — «Тоғдан ёпирилган куч».

20.00. А. Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театрининг 20 йиллигига бағишланган концерт олиб кўрсатилади. (Танаффус вақтида сўнгги ахборот).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Санъат янгиликлари

Маданиятимизнинг фахри

Эртага пойтахтимизнинг кенг жамоатчилиги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг ташкил топганига 20 йил тўлишини нишонлайди. Бу — республика маданий ҳаётида ғоят катта воқеадир, зотан музика маданиятимизнинг тараққиётини опера ва балет санъатисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Миллий операнинг туғилиши ўзбек музика санъатининг тараққиёти учун порлоқ истиқбол йўлини очиб берди. Шу жанрда ишловчи миллий кадрлар отрядини вужудга келтира бошлади, ўзбек музикаси кўп овозли опера ва балет жанрларида салобат билан жаранглай бошлади.

— Ўзбек саҳнасида дастлабки қўшиқни куйлаганимда, — дейди СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, — 13 ёшда эдим. Ўша кезларда келажакда эпрада асосий партияларни ижро этиш даражасига кўтарилишимни кўз олдимга ҳам келтира олмас эдим.

Ҳа, тўғри. Бу сўзни опера саҳнасига Ҳалима Носирова билан бирга ёки ундан бир-икки йил кейинроқ кириб келган, бугун ўзбек санъатининг усталари бўлиб етишган санъаткорлар ҳам такрорлайдилар. Чунки музика санъатининг мураккаб формаси ҳисобланган операни ижро этиш артистдан катта тайёргарлик талаб этади. Бунда ёш ўзбек актёрларига театрнинг жонкуяр, гамхўр коллективи, атоқли рус санъаткорлари доно маслаҳатчи, меҳрибон устоз бўлди. Шунинг учун операмиз ҳам, балетимиз ҳам тез оёққа босди. Бу — опера ва балет жанрида ижод қилувчи ўзбек композиторларининг пайдо бўлишида ҳам ажойиб восита бўлди. Қисқа муддат ичида опера саҳнасининг Карим Зокиров, Саодат Қобилова, Насим Ҳошимов, Саттор Ярашев, Ксения Давидова, Жамол Низомхўжаев каби усталари, балетнинг Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова каби юлдузлари қаторида шу жанрларнинг А. Азимов, Э. Йўлдошев, С. Беньяминов, Р. Юсупова, Б. Қориева, Г. Мавлева, Р. Тангуриев каби умидли ёш ижрочилари ҳам етишиб чиқди. Бугун опера ва санъатимиз соҳасида ижод қилаётган ҳамма санъаткорларимиз номини санаб ўтиш қийин.

Шу ўтган 20 йил ичида саҳнага қўйилган опера ва балетлар ҳам сон жиҳатдан оз эмас. Бу соҳада композиторларимиз баракали ижод қилдилар. Шу давр ичида опера ва балет саҳнамизда рус ва Ғарбий Европа композиторлари асарларининг ҳам энг яхши намуналари кўрсатилди, бу театр ижодий коллективининг ўсишида катта мактаб бўлди. Бугун ўзбек опера ва балет санъати ўзининг етук, ғоявий юксак, маънавий бой асарлари билан халқ ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда, катта муваффақиятларга эришмоқда.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадаси кунларида ҳам талабчан пойтахт жамоатчилиги опера ва балетимизга юксак баҳо берди. Декада кунларида кўрсатилган М. Ашрафийнинг «Дилором», А. Козловскийнинг «Улуғбек», С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши», Т. Содиқов, Б. Зейдман, Ю. Ражабий ва Д. Зокировларнинг «Зайнаб ва Омон» опералари, Л. Лапутиннинг «Маскарад», И. Акбаровнинг «Орзу» балетлари тамошабинларда катта таассурот қолдирди.

— Санъатингиз ғоят тараққий этибди, — деган эди декада кунларида украин ёзувчиси Иван Ле. — Мен «Майсаранинг иши» ва «Зайнаб ва Омон» операларини тингладим. Бу опералар менда катта таассурот қолдирди ва шундай хулосага келдим: опера санъати соҳасида улкан одимлар билан илгарилабсизлар, бу соҳада катта тараққиёт босқичини ўтабсизлар.

Бундай баҳони декада кунларида оддий ишчи ҳам, колхозчи ҳам, зиёли ҳам, етук санъаткор ҳам қайта-қайта такрорлади. Бу — чиндан ҳам маданиятимиз фахри ва балет санъатимизнинг тараққий этганлигини кўрсатувчи ажойиб ва ёркин далилдир.

Алишер Навоий номли опера театрининг 20 йиллиги кунида театрнинг ажойиб коллективига янгиланган ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

К. САЪДИЕВ.

Ўзбек саҳнасининг энг кекса устаси

8 июнда Ўзбекистон жамоатчилиги ўзбек саҳнасининг энг машҳур усталаридан бири, республика халқ артисти Миршоҳид Мироқилов туғилган куннинг олтмиш йиллигини ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигини кенг равишда нишонлади.

Ўзбекистоннинг ҳамма жойида Мироқиловнинг номини билмаган киши йўқ. У, миллий профессионал театрнинг ташкилотчиларидан биридир. Бу талантли артист эскиябозларнинг санъатидан кенг фойдаланиб, ўнлаб образлар яратди. Бу образларда лаганбардорлар, ёлғончилар, мунофиқлар, икки юзламачилар, халқнинг яшашига ва бахтли ҳаёт қуришига халақит бераётган унсурларнинг ҳаммаси масхара қилинади. Артист яратган образларнинг кўпи халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетди ва совет театрининг олтин фондига ҳисса бўлиб қўшилди.

Миршоҳид Мироқилов Совет Иттифоқи ва чет мамлакатлар халқлари драматургиясининг энг яхши муваффақиятларини актив пропаганда қилувчи артистдир. Миллий характерларни ўзи яратган образларда яққол ифодаловчи бу артист айни вақтда илғор рус маданияти билан ҳам чамбарчас боғлангандир. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОША ЖОЙЛАРИДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 10/VI да **Юрак ёнмоғи керак**, 11/VI да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/VI да **Севилья сартароши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 10/VI да **Нурхон**, 11/VI да **Тоҳир ва Зуҳра.**

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Темир гул**, кеч соат 5 ва 10-40 минутда **Фотима.**

«ВАТАН» — кеч соат 9-20 минутда **Фотима**, кеч 10-50 минутда **Темир гул.**

«ОКТЯБРЬ» — **Саҳродаги воқеа** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун: 1 ва 2- залда **Темир гул**, 3- залда **Онласиз.**

«СПУТНИК» — 1-залда **Мухбиримиз**, 2-залда **Водида олишув.**

«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ», «УДАРНИК» — **Темир гул.**

КАФАНОВ номли — **Мухбиримиз.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
11 июнь кеч соат 8 да театрнинг 20 йиллигига бағишланган
кеча
Билетлар сотилмоқда.

К. Е. ВОРОШИЛОВ НОМЛИ «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
токарлар, йиғувчи слесарлар, шлифовкачилар, қозончилар, тунукасозлар, радиалчилар ва бошқа ихтисослардаги ишчилар
керак
Сельмаш кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (4-трамвайнинг «ТашМИ», 16 ва 8-автобуснинг «Сельмаш» остановкаси).

Низомий кўчаси, 24-уйда турувчи **Шомақсуд Шотурсуновнинг** шу уйда турувчи Мамлакат Нуъмоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 1-участка халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Фармон кўчаси, Учтут тупик, 10-уйда турувчи **Асомиддин Ирисметовнинг** Чимкент шаҳар, Совет кўчаси, Грибоедов проезди, 16-уйда турувчи Тўхтажон Ирисметовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъатбўлими — 29040,135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретарият — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 05190. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1610.